Ватанни севмак иймондандур!


ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 2 октябрь, шанба № 178—179 (21.530). Сотувда эркин нархда.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ МИНБАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ ИЛК БОР ЯНГРАДИ



Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб бормоқда. Давлатимизни дунёнинг жуда кўп мамлакатлари тан олган. Ўтган йилнинг март ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Ўшандан бери бу нуфузли ташкилот пештоқида бизнинг байроғимиз ҳам ҳилпираб турибди. Президентимиз Ислом Каримов жуда кўп мамлакатларга сафар қилди.

Президентимизнинг 26—28 сентябрь кунлари Нью-Йоркка қилган сафари ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди: давлатимиз бошлиғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида катта нутқ сўзлади.

Атоқли сиёсатчилар ва журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу нутқини юксак баҳоладилар.

Ислом Каримовнинг Нью-Йорк сафари жуда самарали бўлди. У қисқа муддат ичида БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий, Америка Қўшма Штатлари Президенти Б. Клинтон, БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Н. Гоулдинг билан учрашиб, суҳбатлашди. Американинг кўзга кўринган сиёсатчиси ва жамоат арбоби Г. Киссенжер Президентимизни ўз уйида азиз меҳмон сифатида қабул қилди ва машҳур «Ривер-Клуб»да унинг шарафига зиёфат берди. Зиёфатда йирик бизнесменлар иштирок этдилар.

Сафар давомида АҚШнинг «Морган Гаранти Траст компани» ва «Кемикел Банк» сингари йирик банклари раҳбарлари билан учрашувлар бўлди ҳамда битимлар имзоланди.

Машҳур «Ньюмонт майнинг» фирмаси раҳбариятининг «Плаза» меҳмонхонасида ўтказган қабули унутилмас воқеа бўлди. Бу маросимда АҚШнинг олтмишдан ошиқ нуфузли бизнесменлари иштирок этди. Қабулда **Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлади ва кўплаб саволларга жавоб берди. Унинг деярли ҳар икки иборасидан кейин гулдурос қарсаклар янграб турди. «Биз — америкаликларни ҳайратга солиш қийин, аммо жаноб Каримов ўзининг жасурлиги ва дадиллиги билан барчамизнинг эътиборимизни жалб этди», «у иқтисоднинг жуда катта билимдони экан!», «у нафақат катта сиёсатчи иқтидорига эга, жуда нозиктаъб киши экан», «биз шу пайтгача юртларингизни яхши билмас эдик, Ислом Каримов билан мулоқот туфайли уни кашф этдик ҳамда бизда сизлар билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги пайдо бўлди», «сизлар Президентларингиз билан фахрланишларингиз мумкин». Бу гаплар Америка Қўшма Штатлари йирик бизнеси раҳбарларининг қабулдан кейин айтган сўзларининг бир қисми, холос.**

Ислом Каримов АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан ҳам учрашиб, қуюқ, самимий суҳбатлашди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси

Бош Ассамблея Раиси, элчи Амсанелли жаноблари!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жаноблари!

Муҳтарам давлат бошлиқлари ва ташқи ишлар вазирлари!

Муҳтарам жаноби элчилар!

Ҳонимлар ва жаноблар!

Менга тарихда биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясида давлат бошлиғи ва мустақил Ўзбекистон вакили сифатида билдирилган шараф учун Сизларга ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ —халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир.

Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги ортиб бораётгани равшан кўриниб турибди. Айни пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Барча давлатлар тан олган мустақил Ўзбекистон эндиликда БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолияпти. Республикада кўпгина мамлакатларнинг элчихоналари, турли халқаро ташкилотлар ишлаб турибди. Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси самарали ишлаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Бу ваколатхона БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жанобларининг шахсий ташаббуси билан очилди.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизнинг мустақиллигини тан олганликлари ва қўллаб-қувватлаганликлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, БМТга аъзо бўлган барча давлатларга ўз халқим ва ҳукуматим номидан самимий миннатдорлик изҳор қилишни истайман.

22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон жўғрофий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил қилади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада пайдо бўлган. Қадим замонларда Буюк ипак йўли шу ердан ўтган.

Халқимнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Олис асрларда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача алоқа боғлаган.

Бу шаҳарлар улуғвор меъморчилик обидалари билангина шуҳрат қозониб қолмай, айни пайтда бутун дунёдан буюк мутафаккирлар ва ижодкорлар интилган жойлар ҳам бўлган. Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилган буюк Темур олимларга, файласуфларга, меъморларга, шоирлар ва машшоқларга ҳомийлик қилиши билан шуҳрат қозонган.

Маънавий, илмий ва эстетик қадриятлар халқимизнинг турмуш тарзида, анъанавий маданиятида муҳим ўрин олган. Биз ўзимизнинг тарихимизни ва жаҳон цивилизациясини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз—Шарқнинг мутафаккирлари Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқаларни эъзозлаймиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгартишлар даврига қадам қўйди.

Биз очиқ бозор иқтисодиётига ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлган ҳуқуқий, демократик ва дунёвий жамият барпо эта бошладик. Сиёсий институтларнинг ривожланиши, йўналишлари ва шакллари хусусида халқимизда яқдиллик бор. Демократик ўзгартишлар йўлида сезиларли силжишлар бўляпти.

Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикасининг тамоман янги асосий қонуни қабул қилинди. Халқаро холис экспертлар унга юқори баҳо беришди. Бизнинг Қомус демократик конституцияларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди.

Ўзбекистонда давлат бошлиғи ва парламентга эркин ва муқобил асосда умумхалқ сайловлари ўтказилди. Давлат идоралари ўртасида ҳокимият ваколатлари аниқ ажратиб қўйилган. Кўп партиявийлик тобора ривожланяпти.

Юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, халқимиз яна озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйғонишни таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Республикада юздан зиёд халқлар ва элатлар яшаб турибди. Бизда барча этник гуруҳларга миллий маданиятларини, анъаналарини, тилларини ривожлантиришлари учун катта ва етарли имкониятлар бериляпти. Ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолаётганлиги билан фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикаси — кучли ва кенг имкониятли, ноёб табиий бойликларга эга, истиқболи порлоқ мамлакат. Аҳолининг 50 фоизга яқини 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Республика пахта етиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни, олтин қазиб чиқаришда — саккизинчи, мис қазиб чиқаришда ўнинчи ўринни, нодир металлар ва стратегик хомашё заҳиралари бўйича салмоқли ўринни эгаллаб турибди. Ғоят катта энергетика ресурсларига ва бошқа кўпгина бойликларга, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва деҳқончиликнинг қадимий анъаналарига эга бўлиб, саёҳат учун ажойиб бир ўлкадир.

Республика кучли илмий, ақлий ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология соҳасида олиб бораётган илмий-тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам яхши маълум. Аммо бизнинг энг асосий бойлигимиз — ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳис эта олиши билан ажралиб турадиган кўнгли очиқ, меҳнатсевар, меҳмондўст ва мағрур халқимиздир.

Озод Ўзбекистон жамиятини ислоҳ қилишнинг бурунги ҳолатидан демократик жамият ва бозор иқтисодиёти қадриятларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Шу билан бирга биз иқтисодиёти ҳаддан ташқари издан чиққан ва экологияси бузилган республика қисқа давр ичида бундай меросни ўзгартириши ва ўнглаб олиши мумкин эмаслигини биламиз. Бу ҳудуд, аслини олганда, собиқ ССР Иттифоқи таркибида хомашё манбаи бўлиб келган. Бу ердан арзон хомашё олиб чиқиб кетилиб, унча сифатли бўлмаган тайёр маҳсулот келтирилар эди.

Биз аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган, республикада иш билан таъминлаш соҳасида жиддий муаммолар ва талайгина моддий қийинчиликлар мавжуд шароитда жамиятни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш сиёсий ислоҳотлардан олдинда бориши кераклигини яхши биламиз.

Мустаҳкам қонунчилик негизини, ҳуқуқий маданиятни, қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги билан муроса қилишни ва холислик руҳиятини тайёрлаш зарур. Энг муҳими эса кейинги 75 йил мобайнида яшаб келган маъмурий-буйруқбозликдан иборат тоталитар тақсимот тизими юзага келтирган одамлар руҳиятини, уларнинг тафаккурини ўзгартириш лозим.

Биз кейинги вақтларда собиқ социалистик лагернинг талайгина мамлакатларида бир неча марта кузатганимиздек, зиддиятли ёндашув, воқеаларни ўйламай-нетмай жадаллаштириш кескин можароларга, фуқароларнинг бир-бирига қарама-қарши туришига, миллатлараро тўқнашувларга, ечимини кутаётган муаммоларнинг янада чуқурлашиб кетишига, эркин бозор иқтисодиёти ва демократик ислоҳот ғояларининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Эндиликда дунёда жамият ва ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг ҳар қандай мамлакат учун бир хилда мақбул бўлган ҳаммабоп йўллари йўқлиги равшан бўлиб қолди. «Капиталистик» ва «социалистик» деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб боряпти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги эркин тафаккурни шакллантириш зарурати етилди. Бундай тафаккур ҳар бир мамлакатнинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатга ўтишида ғоят хилма-хил шакллар ва йўлларни очиб беради.

Биз аниқ вазиятга, ўзбек халқининг руҳияти ва анъаналарига асосланиб, ўз ислоҳотларимизнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқдик.

Биринчидан, биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларнинг мафкурадан холи бўлишини эълон қилдик.

Иккинчидан, биз ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи ва республикада амалга оширилаётган демократик ўзгартишларнинг изчил ташаббускори бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бу — қонунчиликни, ҳуқуқнинг устуворлигини таъминлашдир.

Тўртинчидан, фуқароларнинг, айниқса кам даромадли фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг мададига муҳтож бўлган барча кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган кучли ижтимоий сиёсат биз учун ниҳоятда муҳим.

Ва, ниҳоят, бешинчидан, бизнинг шароитимизда бозор муносабатларига ўтиш босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилиши керак. Доно халқимиз айтганидек: «янги уй қурмай туриб, эскисини бузма».

Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий заруратдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келяпти. Минтақамизнинг хусусияти, унинг жўғрофий-сиёсий мавқеи шундайки, воқеаларнинг салбий ривожланиши оқибатида у бутун дунёда беқарорликнинг катта манбаларидан бири бўлиб қолиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш кифояки, Марказий Осиёда ҳар хил этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган салкам 60 миллион киши яшайди. Бу ерда ядро қуроли, шунингдек, катта вайронгарчилик кучига эга бўлган оддий қурол-яроғлар тўпланган. Шу минтақадаги тўқнашувлар олдиндан айтиб бўлмайдиган миқёсларда чиқара олади.

Шу муносабат билан Тожикистондаги ва тожик-афғон чегарасидаги вазият тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Унда қатнашувчи кучларнинг сиёсий манфаатлари хусусида баҳс юритиш мумкин. Аммо шу нарса шубҳасизки, Тожикистондаги қонли можаро томонлардан бирининг ғайриқонуний равишда, қурол кучи ва қўрқитиш йўли билан ҳокимиятни босиб олишга ҳамда уни ташқаридан тўхтовсиз моддий ва мафкуравий жиҳатдан аралашиш йўли билан қўллаб-қувватлашга уринишлар натижасида юзага келди. Бунинг оқибатида кўпгина сиёсий кучлар, жамиятнинг турли табақалари қуролли тўқнашувга жалб этилиб қолди. Бу тўқнашув халқаро тус касб этди. Чунки ҳукуматга қарши кучларнинг жанговар тузилмаларини тайёрлаш, пул ва ҳарбий техника билан таъминлаш манбалари Тожикистондан ташқарида эди.

Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда ва тожик-афғон чегарасида можаронинг давом этаётганлигидан ташвишда. Аввалambор бунинг сабаби шуки, асрлар мобайнида Марказий Осиё халқлари иқтисодий, маънавий ва маданий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлишган. Ҳозирги вақтда мазкур минтақанинг кўпгина мамлакатлари ўртасида аслида том маънодаги чегаралар йўқ. Шу боисдан ҳар қандай нуқтадаги можаро соф жўғрофий сабабларга кўра бутун минтақани қамраб олиш хавфини туғдиради.

Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп миқдорда замонавий қурол-яроғ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солаяпти. Бу қурол-яроғлар қаердан келаяпти ва улар жангарилар билан террорчиларнинг қўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродаркушлик урушлари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим? Халқларнинг манфаатларига, миллатларнинг тақдирига ва миллионлаб кишиларнинг ҳаётига дахлдор бўлган бу саволлар ўз жавобини кутаяпти.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикамиз давлат мустақиллиги ва демократик жамият қурилиши жараёнида ёшларга таълим-тарбия бериш, малакали мутахассислар тайёрлашда ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимларнинг хизматларини ҳамда мавқеини инобатга олиб:

1. «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари куни» этиб октябрь ойининг биринчи якшанбаси белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 1 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАНИНГ КЕКСА ФУҚАРОЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кекса фуқароларнинг ёш авлодни тарбиялаш ишидаги катта хизматлари, уларнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун, шунингдек Халқаро қариялар куни муносабати билан:

1. Ишламаётган пенсионерлар ўзлари олаётган ойлик пенсиясининг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилсин.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналарнинг, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига ўзларида ишловчи пенсионерларни улар олаётган ойлик пенсиянинг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантириш тавсия қилинсин.

2. Ушбу Фармонни рўёбга чиқариш билан боғлиқ харажатлар ишламайдиган пенсионерлар бўйича республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҳисобидан тенг улушларда, ишловчи пенсионерлар бўйича эса кимга бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхона ҳамда ташкилот маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан биргаликда 1993 йилнинг 7 октябригача ушбу Фармонда кўзда тутилган пул мукофотларини тўлаш тартиби ва муддатларини аниқласин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий суғурта жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур мукофотнинг ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 1 октябрь

ОММА БИЛАН ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Сирдарё вилоятида бўлиб, меҳнат жамоалари аъзолари ва уста пахтакорлар билан учрашди. У Сирдарё шаҳридаги гўшт комбинати фаолияти билан танишди. Шунингдек, Сирдарё туманидаги «Синдоробод» жамоа хўжалиги, Оқолтин туманидаги «Фарғона» ва Собиржон Сидиқов номли давлат хўжаликлари пахта далаларида бўлди. Йиғим-теримнинг бориши билан қизиқди. Пахтакорларимизга республикамизда Президентимиз, партиямиз Раиси И. А. Каримов етакчилигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти, республика Олий Кенгаши ўн учинчи сессияси ва ЎзХДП Марказий Кенгашининг саккизинчи Пленуми қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги, юртбошимизнинг сессияда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўзлаб берди.

Куннинг иккинчи ярмида М. М. Расулов «Ховос» посёлкасидаги темир йўлчилар Маданият саройида партия фаоллари, маҳалла қўмиталарининг вакиллари, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Бу жонли мулоқотда Сирдарё вилоятининг ҳокими Б. Маҳмудов ва Сирдарё вилояти партия кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов иштирок этдилар.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Гулистон шаҳар партия кенгаши ходими.

ДИҚҚАТ: 1994 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Матбуот тарқатиш марказидан хабар қилишларича, 1 октябрдан бошлаб барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида «Ўзбекистон овози» газетаси учун 1994 йилга обуна қабул қилинмоқда.

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

«Ўзбекистон овози» газетаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашри бўлиб, мамлакатимизда, МДҲда ва бошқа чет мамлакатларда энг кўп тарқаладиган ижтимоий-сиёсий рўзномадир.

Сиз «Ўзбекистон овози» газетаси республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли хабарлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, ОБУНА БЎЛИНГ.

Унинг бир йиллик нархи — 20 минг 400 сўм.
Олти ойга — 10 минг 200 сўм.

Обунага шошилинг. Вақт ўтказмай ўзингизга яқин орадаги алоқа бўлимига боринг. «Ўзбекистон овози»га обуна бўлсангиз сира афсусланмайсиз.

«Ўзбекистон овози» индекси 64583.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Тожикистонлик қочоқлар муаммоси мажаро алангасида мисли кўрилмаган кескинлик касб этди. Ўн минглаб тинч аҳоли туғилиб ўсган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ўзбекистон Тожикистонга озиқ-овқат, энг зарур моллар юбориб турибди. Қочоқларнинг қайтишига ёрдам бераяпти. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда БМТ муассасаларига Термиз бюроси орқали баҳоли қудрат кўмаклашаяпти.

Ўзбекистон жангариликни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди. Биз можарони сиёсий воситалар ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тарафдори бўлиб, тожик халқига ва аввало Афғонистондан қайтиб келаётган қочоқларга бундан буён ҳам инсонпарварлик ёрдами беришга тайёрмиз.

Ўзбекистон Тожикистондаги можаронинг бошиданоқ вазиятни синчиклаб ўрганиш ва унинг БМТ доирасида бартараф этилишини таъминлаш ниҳоятда зарурлигига БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг эътиборини икки марта жалб қилди.

Биз модомики, можаро унда қатнашувчиларнинг таркибига, кўламлари ва оқибатларига кўра халқаро можаро бўлганлиги учун уни бартараф этиш ҳам халқаро куч-ғайратлар асосида амалга оширилиши керак, деган фикрдан келиб чиқамиз.

Тожикистондаги можаро хусусида ташвиш билдириб, унга тез эътибор берганлиги ва куч-ғайрат сарфлаганлиги учун биз БМТдан, унинг Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийдан миннатдормиз ва жаҳон ҳамжамияти тинчлик ишига қўшилган бу ҳиссага муносиб баҳо беришига ишончимиз комил. Минтақада БМТ Бош котибининг махсус элчиси жаноб И. Киттани раҳбарлигидаги миссия самарали ишлаяпти. Бизнинг назаримизда, у тўплаган материал БМТ Хавфсизлик кенгашининг мажлисида можаронинг характери ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида объектив хулосалар чиқариш имконини берди.

Шунга қарамай, ҳозирги вазиятга асосланиб, нафақат Тожикистонда, балки Афғонистонда ҳам тожик-афғон чегарасидаги аҳволга етарлича эътибор берилаяпти деб айтиш қийин. Ушбу можаронинг миқёслари ва потенциали, бутун дунёга хавф солаётган ҳалокатли оқибатлари ҳали тўла-тўкис англаб етилгани йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, мен Бош ассамблея сессиясининг қатнашчиларини мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари тўғрисида ўзларининг амалий фикр-мулоҳазаларини билдиришга чақираман.

Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилишини айни муддао деб ҳисоблайди. Тинчлик ўрнатишда қадимий анъаналарга эга бўлган, халқаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик руҳи билан йўғрилган шаҳар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари ўтказиладиган жой бўлишга тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаҳонда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ Низомининг 52-моддасига мувофиқ манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганларга қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсияномалар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди.

Ўзбекистон жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг 1992 йил 31 январда хавфсизлик кенгашида баён қилинган «Тинчлик кун тартиби»да таклиф қилганидек, ер юзида хавфсизликни таъминлашда жаҳон ташкилоти сифатида БМТнинг янги ролига эришиш йўлларини қўллаб-қувватлайди. Биз БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийни Марказий Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистон Республикасига келишга таклиф қиламиз. Ишончим комилки, БМТ ва унинг Бош котибининг обрў-эътибори ушбу минтақада воқеалар салбий ривожланишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик имконини беради.

«Кун тартиби»да жаноб Бутрос Бутрос Ғолий ҳозирги дунё учун можароларнинг олдини олиш дипломатияси аҳамиятига катта эътибор беради. Бу эса бизнинг нуқтаи назаримизга тўла мос келади. Мана шу юксак халқаро минбардан туриб, БМТни ўзининг тинчликпарвар фаолиятини, айниқса, можаролар чиқадиган жойларда тинчлик ўрнатиш фаолиятини янада кучайтиришга чақиришни истардим.

Шуни эътироф этишга тўғри келадики, кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнғин ҳиди энгигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар мақомига ўта бориши керак.

Шу муносабат билан БМТ Хавфсизлик кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва оқибатини белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан мақсад тегишли қарорлар қабул қилиш учун Хавфсизлик кенгашига, БМТнинг бошқа бўлинмаларига, бутун жаҳон ҳамжамиятига зудлик билан тавсияномалар тайёрлашдан иборатдир.

Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратиб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали амал қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришга оид конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир.

Биз кимёвий қуролни тақиқлаш конвенциясига қўшилиш тўғрисидаги ҳамда бактериологик қуролни тақиқлаш муаммолари бўйича зарур музокараларни ҳам масъулият билан ўтказиш ниятидамиз. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур, деб ҳисоблайди.

Биринчи навбатдаги муаммолар орасида наркобизнесга қарши умумий саъй-ҳаракатларни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини истардим. Биз ана шу иллатга қарши курашда кенг кўламли ҳамкорлик тарафдоримиз. Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган наркотик моддаларнинг талайгина қисми Марказий Осиёда тайёрланаётганлиги ёки у орқали ташиб ўтилаётганлиги сир эмас. Наркобизнеснинг транзит йўналишлари бир минтақада жамланишининг ўзиёқ мана шу даҳшатли ҳодисани тугатишда жаҳон ҳамжамияти ўз имкониятларини жамлаб, ишга солиши учун етарли асос бўлади. Ўзбекистон барча манфаатдор мамлакатлар ва ташкилотлар билан бу борада ҳамкорлик қилишга тайёр. Наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий комиссияси тузилишини биз қутлаган бўлур эдик.

Биз атроф муҳитни назорат қилиш ва жаҳон миқёсидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг роли кучайтирилишини ҳам ёқлаб чиқяпмиз. Мана шу олижаноб вазифани амалга оширишда ҳар жиҳатдан кўмак беришга тайёрмиз.

Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келяпти. Энг аввало бу Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси тўрт бараваргача ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан 20-асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Биз жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирамиз.

Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол муаммоси бўйича махсус комиссияси ташкил қилинишини ёқлаб чиққан бўлур эди. Бу комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишган ҳолда ва БМТнинг имкониятлари орқали халқаро кучлар ва маблағларни мана шу экологик фожиани бартараф этишга жалб қилган бўлур эди. Дастлабки қадам сифатида мазкур комиссия ушбу муаммо бўйича Нукус шаҳрида БМТ ҳомийлигида халқаро конференцияни тайёрлаши мумкин бўлур эди.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон «совуқ уруш» тугаши даврида мустақил бўлди. Ана шу давр БМТ ва жаҳон ҳамжамияти олдида йиғилиб қолган муаммоларнинг жамики мажмуига сергаклик билан янгича баҳо беришни тақозо қилади. Биз Шимолдаги тараққий этган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасида ҳадиксираш кучайганлигидан хавотирдамиз. Шарқ билан Ғарб ўртасида мавжуд авваллари бўлган мафкуравий муросасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги муросасизлик билан алмашаётгани хусусида таассуф билдирамиз. Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз.

Бизнинг назаримизда вужудга келган шароитда инсоният тараққиётини чигаллаштириб юбориши мумкин бўлган янги можароларнинг олдини олишда айни БМТ асосий восита бўлиши керак. Шу муносабат билан биз БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чора-тадбирлар белгилаш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон халқлари янги минг йиллик бўсағасида турибдилар. Улар ўз келажакларининг порлоқ, истиқболли бўлишини истайдилар. Жаҳон миқёсидаги мафкуравий қарама-қаршиликларнинг ағдар-тўнтарлари ўтмишда қоляпти. Халқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги, ўзаро хавфсизлигидан бошқа йўл йўқ эканлигига қатъий ишонч ортиб боряпти.

Ҳақиқатан ҳам, инсониятнинг эртанги куни қандай бўлар экан? У янги даврга қай ҳолда кириб боради. Ўтмишнинг оғир меросини бартараф эта оладими? Ўзаро ҳадиксираш, ишончсизлик, ҳукм ўтказиш ҳоллари йўқ бўлиб кетганда давлатлараро муносабатларда рўй-ростлик ва самимийликнинг шундай даражасига эришадими? Миллатлар ҳамжамиятининг келажаги мана шу саволларга бериладиган жавобларга боғлиқ. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг муштарак манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг замонавий ривожланиш даражасига хос бўлган чуқур демократик жараёнлар ўзанида устувор миллий мақсадларга эришиш сари қатъият билан бориш ниятидадир. Ўзбек халқини инсониятнинг ягона оиласида осон бўлмаган, аммо буюк келажак кутаётганлигига ишончимиз комил.

Эътиборингиз учун ташаккур!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ЁҚИЛҒИ — ИҚТИСОДИМИЗ ЮРАГИ

Мустақилликка бўй чўзган мамлакатимиз ҳаётида, унинг иқтисодиётини юксалтиришда ёқилғи ва ёнилғи не чоғли ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги ҳаммамизга маълум.

Айни кунларда ҳам зарур нефтнинг 80 фоизини не машаққатлар билан четдан келтиришга мажбур бўлаяпмиз. Бундан ташқари, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари ҳам қўшни давлатлардан сотиб олиб келинаяпти. Уларнинг нархлари муттасил ошиб бораётганлиги иқтисодиётимизга юк бўлиб тушмоқда. Шунга қарамай ҳанузгача жойларда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари исрофгарчилигига йўл қўйилмоқда. Шу боис мазкур йилнинг 4 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида нефть маҳсулотларини иқтисод қилиш ва уни тежаб-тергаб ишлатиш жойларда қандай бораётганлигини текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги махсус комиссия аъзолари ташкил этилганди. 30 сентябрь куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида комиссия аъзолари Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларида, шунингдек, Ўзбекистон Давлат химия, Ўзбекистон автомобиль йўллари, «Ўзплодоовощвинпром» концернлари хўжалик ва тармоқларида ёқилғи маҳсулотлари қандай ишлатилаётганлиги ҳусусида ахборот бердилар.

— Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир палла да нефть, ғалла маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж ортиб бормоқда, — деди И. Ҳ. Жўрабеков. — Ёқилғи маҳсулотларининг ҳар бир томчисини кўз қорачиғидай асраб уни тежамкорлик билан ишлатайлик. Шундагина истиқлолимизни мустаҳкамлашимиз, иқтисодиётимизни юксак поғоналарга олиб чиқишимиз мумкин. Мана, бир қатор вилоятлар хўжалик ва тармоқларида тафтиш ўтказилди. Нефть маҳсулотларидан тежамли ишлаётган бирорта корхона топилмади. Ҳатто Янгиқўрғон туманининг «Заркент» давлат хўжалиги 125 тонна ёқилғи маҳсулотини қўшни Қирғизистон Республикасига ҳеч қандай ҳужжатсиз ўтказиб юборган. Ўз халқ манфаатидан устун қўйган хўжалик директори Т. Абдуллаев ҳозирги кунда ишдан олиниб, тегишли ҳужжатлар республика прокурорига юборилди.

Биргина «Электрохимпром» бирлашмасининг ўзида 5 тонна автобензин ва ёқилғи маҳсулотлари исроф қилиниб, давлатга 460 минг сўмлик зарар етказилган.

Комиссия аъзолари Навоий вилоятининг 23 корхонасини бориб текшириш ўтказганда уларда ҳам худди шундай ҳол рўй бераётганлигининг гувоҳи бўлишди. «Ўзплодоовощвинпром» хўжаликларининг 30 дан ортиғида эса ёқилғи маҳсулотларини қуйиш учун ҳалигача пақир ва шунга ўхшаш асбоблардан фойдаланиляпти. Ахир ёқилғига бундай беписандлик билан муносабатда бўлинса, 150 тонна маҳсулот бекордан-бекорга исроф бўлади-ку!

Шунингдек, Самарқанд вилоятининг 15 хўжалигида трактор аккумуляторлари йўқлиги сабабли 62 тонна ёқилғи ҳавога совурилган.

Хуллас, натижалар шуни кўрсатадики, «Ўзплодоовощвинпром» хўжаликлари Ўзбекистон Давлат химия, автомобиль йўллари концернлари ҳамда Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларида нефть маҳсулотларини тежаш батартиб ишлатишда кўпгина камчиликларга йўл қўйган. Шу кунгача маҳаллий ҳокимият айбдор шахсларга нисбатан жазо чораларини кўрмаганлар. Ана шу исрофгарчиликлар, нефть маҳсулотларини тежаб-тергаб ишлатмагани учун мажлис комиссияси ҳайъати Қашқадарё вилояти Китоб туманининг И. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раиси А. Алланазаров, Навоийдаги пахта тозалаш заводи директори Д. Тожибоевани, Фарғона вилояти йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи А. Каримовни қаттиқ огоҳлантирди. Йўл қўйилган хатоларга бир ой ичида барҳам берилмаса ўз вазифаларидан озод этилиши таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосарлари А. Возненко, К. Тўлаганов, Қ. Ҳаққулов ўртоқлар иштирок этишди.

Шароф СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИ ОЛАМ БИЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 48-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИНИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ КАБИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОЛАРИ ҲАМ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР. ҚУЙИДА ТАҲРИРИЯТИМИЗГА КЕЛГАН ДАСТЛАБКИ ТААССУРОТЛАР БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

Куни-кеча ахборот агентликлари биз, ўзбекистонликларни хушнуд этган муҳим янгиликни тарқатдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлади.

Жаҳондаги мавжуд давлатларнинг деярли ҳаммасини бирлаштирган ушбу нуфузли халқаро ташкилот Бош Ассамблеяси ишида давлат ва ҳукумат бошлиқларининг иштироки, йиғилганлар билан мулоқоти янгилик эмас, албатта. Аммо эндигина икки баҳорни кўрган ёш давлатимиз раҳбарининг БМТ бош минбаридан туриб сайёрамиз аҳлига биринчи марта мурожаат этиши мамлакатимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллашга лойиқ воқеадир.

Ўзбекистон вакилларининг олдин ҳам ушбу ташкилот ишида қатнашиб, сўз олганликлари маълум. Лекин у пайтларда вакилларимиз собиқ Иттифоқнинг делегацияси таркибида фаолият кўрсатишга, марказнинг чизиб берган чизиғидан чиқмасликка мажбур эдилар. Энди эса халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида жаҳон саҳнасида фаол ҳаракат қила бошлаган мустақил Ўзбекистоннинг Президенти халқимиз номидан мўътабар ташкилот минбаридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мен буни ,аввало, Ватанимизнинг жаҳонга юз тутгани ва кўпчилик давлатлар, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинганлигининг рамзи, деб ҳисобласам, иккинчидан, тинчликсевар ташқи сиёсатимизнинг йирик муваффақияти, деб биламан. Шу билан бирга бу муваффақиятда ташқи сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга энг катта ҳисса қўшаётган юртбошимизнинг хизмати улканлигини таъкидламоқчиман.

Хуллас калом Ўзбекистон Республикасининг 160 дан зиёд давлатлар томонидан тан олиниши, БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилиниши, Президентимизнинг Бош Ассамблея 48-сессиясида сўзлаши ҳам миллий истиқлол шарофатидир.

Собир ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП МК матбуот, ахборот ва тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари.

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мўътабар минбаридан унга яқинда аъзо бўлган ёш мустақил давлат раҳбарининг нутқ билан чиқиши одатда жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб келган. Лекин, бу гал ушбу қизиқиш алоҳида мазмун ва маънога эга. Ишончим комилки, Президент Ислом Каримовнинг нутқи манфаатдор халқаро доираларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиши шак-шубҳасиздир. Чунки, биринчидан, ушбу нутқ Марказий Осиё минтақасида кенг имкониятлари жиҳатидан ўта муҳим мавқега эга бўлган мустақил давлат юртбошисининг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган илк ва муайян маънода дастурий аҳамиятга молик маърузасидир. Зеро, Ўзбекистоннинг манфаатларини ҳисобга олмай бу бепоён минтақада умрбоқий барқарор мувозанат ва тинчликни таъмин этиб бўлмайди.

Иккинчидан, муҳтарам Президентимиз нутқида баён этилган таклифлар фақат минтақамиз халқларини ташвишлантираётган муаммоларга оид бўлибгина қолмай, балки бутун дунё ҳамжамияти манфаатларига ҳам дахлдордир. Президент кўтарган муаммоларнинг кескинлиги БМТ ҳал этиши лозим бўлган устивор вазифалар нуқтаи назаридан ишончли тарзда асослаб берилган.

Учинчидан, кейинги вақтда замонамиз сиёсий арбобларининг Президент Ислом Каримов шахсига қизиқиши ортиб бормоқда. Бу, унинг нуфузли давлатларнинг вакиллари билан мулоқот ва мунозараларда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишда намоён қилаётган қатъийлиги ҳамда шижоати туфайлидир. Бундан ташқари, яна шуни айтиш керакки, Ислом Абдуғаниевичнинг МДҲга тегишли бир қатор муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларга оид тахмин ва мулоҳазаларининг ҳақ эканлигини, пировардида, ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Ислом Каримовнинг БМТ ташкилоти қароргоҳига қилган сафари, унинг Бош Ассамблеясидаги маърузаси, сўзсиз, биз учун истиқлолимизнинг катта байрамидир.

Баҳодир АБДУРАЗОҚОВ,
Фавқулодда ва мухтор элчи, Ўзбекистон ХДП аъзоси.

ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

«ВАТАН»: ИККИНЧИ ЙИЛГА ҚАДАМ

Яқин ўтмишимизда турли газета ва журналларнинг 50, 60 ва 70 йиллик саналарини нишонлаб келардик. Эндиликда биз бир ёки икки ёшга тўлган нашрларнинг туғилган кунларини байрам қилаяпмиз. Сабаби аён: мустақиллик эълон қилингач, мамлакатимизда истиқлол ўз меваларини бермоқда. Шу маънода «Ватан тараққиёти» фирқасининг бош нашри «Ватан» газетасининг бир ёшга тўлганлиги муносабати билан чиқарилган махсус сонда ана шу фикр қизил ип бўлиб ўтади. Газета ўтган давр мобайнида ўз ўқувчиларини топиб улгурди. Бир йил ичида мазкур нашр республика сиёсий ва иқтисодий ҳаёти, унинг ўтмишдаги ва бугунги маданий-маърифий қадриятлари ҳақида теран мақолалар эълон қилди. Республиканинг машҳур файласуфлари, иқтисодчи ва адиблари, ишбилармон ва тадбиркорларининг янги даврга муносабатлари баайни «Ватан» саҳифаларида акс этди.

Ушбу газета республикамизда кўп партиялилик, ҳур фикрлилик йўналишларини ёрқин акс эттираяпти, десак асло муболаға бўлмас. Эндиликда иккинчи ёшга қадам қўйган газета ўз саҳифаларида иқтисодий ва сиёсий муаммолар билан чегараланиб қолмай, балки энг улуғ умуминсоний ғоялар, миллий манфаатлар ифодаси ва изҳорини ўзининг бирламчи бурчи деб билмоқда. Ҳамкасбларимизга бу буюк ва савобли ниятлари ушалишини чин дилдан истаймиз.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 12 ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 1993 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРЬ БУХОРО ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН VI ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ЮТУҚЛАР ЗАЕМНИНГ ЕТТИТА РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА НОМЕРЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН ОБЛИГАЦИЯЛАРГА ЧИҚДИ:

Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
00167	1—100	5000	26129	079*	25000
00292	1—100	5000	26337	1—100	5000
00343	1—100	5000	26669	053*	25000
00605	1—100	2000	26708	1—100	2000
00881	029*	50000	27248	1—100	5000
00898	1—100	5000	27479	1—100	5000
01624	046*	50000	27704	1—100	5000
01987	038*	25000	27826	1—100	5000
02314	1—100	5000	28033	1—100	10000
02892	1—100	5000	28208	1—100	5000
03050	1—100	5000	28215	1—100	5000
03391	1—100	5000	28439	1—100	10000
03555	1—100	5000	28577	012*	25000
03846	061*	50000	28888	077*	250000
03890	073*	25000	28905	070*	50000
03964	1—100	5000	28906	1—100	5000
04105	1—100	10000	29303	011*	25000
04350	076*	50000	29345	1—100	2000
04498	1—100	2000	29488	069*	50000
04594	092*	25000	30253	052*	25000
05088	004*	50000	31256	1—100	2000
05609	1—100	10000	31798	1—100	2000
05968	036*	25000	31825	086*	25000
06221	100*	25000	31904	048*	50000
07317	085*	50000	31929	1—100	5000
07327	073*	25000	31999	004*	25000
07585	079*	25000	32415	067*	25000
08062	064*	25000	32672	1—100	10000
08415	1—100	2000	32871	080*	25000
08526	1—100	2000	32952	1—100	5000
08613	1—100	5000	33168	1—100	5000
08689	1—100	5000	33183	050*	50000
08811	1—100	5000	33185	1—100	5000
08862	1—100	5000	33202	1—100	5000
09003	008*	25000	33585	062*	25000
09067	1—100	2000	34025	1—100	5000
09074	1—100	10000	34204	1—100	5000
09451	065*	25000	34313	007*	100000
10012	1—100	5000	34843	1—100	5000
10359	1—100	2000	35179	048*	50000
10817	1—100	5000	35257	1—100	5000
10961	1—100	2000	35485	008*	25000
11773	024*	25000	35732	1—100	5000
11776	1—100	5000	35757	1—100	5000
11785	1—100	10000	36682	1—100	5000
11850	1—100	2000	36942	1—100	5000
11930	046*	100000	37403	090*	100000
12321	095*	50000	37459	1—100	5000
12476	089*	25000	37491	1—100	5000
13371	1—100	2000	37825	053*	50000
13558	1—100	5000	37934	080*	25000
13655	072*	25000	38181	1—100	5000
13777	001*	50000	38283	1—100	5000
14544	1—100	5000	38403	050*	25000
14639	1—100	10000	38446	030*	25000
14872	092*	25000	38590	1—100	2000
14981	031*	50000	38649	085*	25000
15091	1—100	5000	38725	090*	25000
15188	064*	50000	39408	1—100	5000
15608	1—100	2000	39503	1—100	5000
16518	1—100	5000	39625	1—100	5000
16560	1—100	5000	40354	1—100	5000
16631	1—100	5000	40358	1—100	5000
16641	098*	25000	40407	1—100	5000
16752	013*	50000	40850	093*	25000
16777	1—100	2000	40993	009*	25000
16795	1—100	5000	41016	1—100	5000
16812	096*	50000	41092	1—100	5000
16891	1—100	5000	41-246	1—100	2000
17288	1—100	5000	42637	1—100	5000
17680	067*	25000	43361	1—100	2000
17884	058*	50000	44140	1—100	5000
17972	1—100	5000	44260	1—100	5000
18075	029*	25000	44575	1—100	5000
18440	083*	25000	45027	024*	25000
19380	1—100	5000	45115	1—100	5000
19529	1—100	5000	45144	1—100	5000
19894	1—100	5000	45268	1—100	5000
20172	1—100	5000	45284	1—100	5000
20174	1—100	2000	45323	1—100	5000
20772	1—100	10000	45438	091*	25000
21099	1—100	5000	45489	037*	25000
23045	1—100	2000	45636	073*	25000
23070	1—100	2000	45661	1—100	5000
23111	008*	25000	46051	1—100	5000
23619	1—100	5000	46186	1—100	5000
23755	1—100	5000	46241	1—100	5000
23774	028*	25000	46308	053*	100000
23959	1—100	5000	46741	019*	25000
24100	044*	50000	47281	1—100	5000
24127	014*	25000	47671	080*	50000
24878	1—100	5000	47830	025*	50000
25060	1—100	5000	47975	1—100	5000
25122	059*	25000	48036	060*	50000
25240	1—100	5000	48513	063*	50000
25550	075*	50000	48870	043*	25000
25829	067*	100000	48915	1—100	5000
25879	010*	25000	49366	029*	25000
25965	070*	25000	49677	1—100	10000
25988	080*	25000	49696	1—100	5000

*) Шу серядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 2000 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 500 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

1000 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда 10000, 5000, 2000 сўмлик ютуқ чиққан тақдирда катта ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 20000, 10000, 4000 сўм ютуқ тўланади.

1000 сўмлик облигация номерларидан бирига 25000, 50000, 100000, 250000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 2000 сўм чиқади ва облигация бўйича 27000, 52000, 102000, 252000 сўм тўланади. 250 сўм қийматидаги облигацияларга 500 сўмлик облигация чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассасалари томонидан ана шу ҳужжат асосида рўзноманинг кейинги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси — Бухоро шаҳар ҳокими


У. И. НОСИРОВ.

Тираж комиссияси масъул котиби — Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки комплекс хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи

А. М. ҲАЙДАРОВ.

ОРҚАДОШЛАР МАМЛАКАТИДА

Туркияда Ўзбекистон Республикаси маданияти ва санъати кунлари зўр муваффақият билан ўтди



21—27 сентябрь кунлари Туркия Республикасида Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган Туркия тупроғидаги бу муҳим воқеа чинакам маданият ва санъат байрамига айланиб кетди.

Қардош диёр пойтахти Анқарада бошланиб, Кўнёда давом этиб, Истанбулда якунланган, қизғин мулоқотлар ҳар икки мамлакатнинг маданий ҳаётида ўчмас из қолдирди. Ушбу саҳифада Туркияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларидан жонли лавҳалар орқали ҳикоя қилишга ҳаракат қилдик.

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг





Туркияда Ўзбекистон Республикаси маданияти ва санъати кунлари очилиши маросими.



Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.



Туркия маданият вазири Фикрий Саглар ва Ўзбекистон маданият вазири Эркин Ҳайитбоев ҳамкорлик мустаҳкамланаётганлигидан мамнун.



Истанбул Университети. Кўнёдаги учрашувдан сўнг.

Отатурк майдонида. Денгизда сайр.



Отатурк мақбарасига гулчамбар...



«Баҳор» қизлари саҳнада.



Кўнё. Санъаткорларимиз Жалолиддин Румий зиёратгоҳида.

Истанбул. Европа ва Осиёни боғловчи кўприк.
Мармара денгизи қирғоғида сайр.

Туркия манзаралари суратчимиз нигоҳида.
Бўриталик қишлоғидаги миллатдошларимиз учрашуви.

Анқара. Ўзбекистон делегацияси аъзолари Отатурк мавзолейи олдида.



Қардошлар билан суҳбат.

Тасаввур қилинг, жанг майдонида уч жангчи душман қуршовига тушиб қолди. Ҳар биттаси чаққон, чиниққан, кучли ва моҳир. Аммо ғаним томон кўпчилик. Олдинги тарафда қилинадиган вазифа аниқ. Қўрқадиган жойи йўқ, бироқ орқа ёқ қанчалик ўктам бўлса-да, бўш қолмоқда, хавфли. Ана шундай вазиятда омон қолишнинг қуршовдан чиқиб кетишнинг бир йўли бор: уч жангчи елкама-елка, аниқроғи, орқама-орқа ҳимояланиб душман билан олишади!..

Анқарада турк туркчасидаги «аркадаш» деган сўз маъносини сўраганимда ана шу жанг усулини айтиб беришди. «Аркадаш» — «орқадош» сўзининг келиб чиқишини унга боғлашди.

Нима бўлса ҳам турк қардошлар бу сўз билан бизга такрор-такрор мурожаат қилишни деярли одат тусига киритишди. Мен бу сўзни яхши кўриб қолдим. Ўзимча катта маъно туйдим. Кўнё шаҳридан Истанбулга қайтаётганимда ушбу сатрлар туғилди.

Дарё кўрдим қайнаб балқар,
Ўтли, музли сувлар оқар.
Юлдуз сўнар, ҳилол қалқар,
Огоҳ эрур кўкда қуёш.
Ёвлар келди, ёвлар йитди,
Шоҳлар келди, шоҳлар кетди.
Кўнгил кетса — дунё битди,
Айрилмасин қон-қариндош.
Туркистоннинг йўли узун,
Бу йўл яқин, ёруғ бу кун,
Чеҳра гултун, чечак гулгун
Чашма каби кўнгиллар ёш.
Икки кўприк — жуфт қўл гўё,
Кўришмиш Евроозиё.
Бир Ўзбекистон — Туркиё —
Оллоҳ ўзи қилган жондош.
Таянчимсан — таянчингман,
Суянчингман — суянчимсан,
Ҳасратимсан, севинчимсан,
Орқадошман, турк орқадош!

Ҳа, турк халқи, ўзбек халқи орқадош — елкадош. Қондош, дилдош, тилдош, диндош!

Абадият ёр бўлсин!

Азим СУЮН,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ
(суратлар).
ЎзАнинг махсус мухбири.

Тошкент — Анқара — Кўнё — Истанбул — Тошкент.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 38

1993 йил 2 октябрь

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

• Тадбиркорлик–замон талаби

Жиззахда иккита ун заводи бор. Бири 7-ун тортиш заводи. Аслида, Жиззах ун тортиш комбинати дейилади.

Ҳотам Азларов шу корхона бор бўлибдики, унга бош директор. Ўз вазифасининг қанчалик масъулиятли эканини ҳис этади.

Шунданми, кўпда уни топишнинг ҳам иложи йўқ. Комбинатдаги вазифаларини ўринбосари Рашид Ўрдишевга тайинлайди-ю, қайгадир шошади, корхонасида иш тўхтаб қолмасин учун қайсидир маҳкамадан техника сўрайди, қайсидир хўжаликдан дон, қурилиш корхоналаридан ваъдага вафо сўрайди. Чунки бу йил катта қурилишлар ҳам бошлаб қўйилган.



Айниқса, қиш-қировли кунлар келмай дон-дунни панага олиб, нест-нобуд бўлмаслиги учун катта омборхона қурилаяпти, шуни битириш ўйида. Директорнинг ҳузурига кирдиму, очиғи, бу одамни қаердадир кўрган бўлсам керак, деб ўйладим. Содда, одми кийинган, расмиятчиликка ҳуши йўқ. Бошлиқ расмиятчи эмасми, демак, оддий ишчининг бахти чопгани шу. У билан бирга корхона ҳудудини айланиб чиқдик. Дарвоза олдида оқсароқ қадам ташлаётган эшкибон ун ортилган уловнинг қоғозини обдон текширади, кейин муҳрини босиб дарвозани очади: — «Оқ йўл!».

Ичкаридаги техникада тиним йўқ. Ҳовлидаги юзлаб тонна дон хирмонини кўриб қувонасан киши. Тегирмонда ун тайёрланаяпти. Дарвоза ортида навбат кутиб турган уловларга қопланган унлар пешма-пеш ортиб жўнатилаяпти. Комбинатда кеча-ю кундуз тиним йўқ. Ҳовлининг кўринишли жойида «Кун боши саломдан, иш боши интизомдан» деган шиор. Шу пайт бир трактор тележкада полиз маҳсулотлари билан кириб келди. Ичкарида тўхтаб ҳайдовчи биз томонга юрди. У комбинатнинг ёрдамчи хўжалигидан экан.

Комбинат жамоаси юз эллик кишидан — турли миллат вакилларидан иборат. Бир қарашда катта жамоа эмас. Унинг Жиззах тумани ҳудудида катта ёрдамчи хўжалиги бор. 400 бош қўй, 30 бошга яқин қорамоли бор, тўрт гектарли боғи, ярим гектарли полизи-ю, яна қанча сабзавот экилган майдони ҳам.

— Шу кунгача ишчиларимизга уч тоннадан ортиқ полиз, 2 тоннага яқин сабзавот тарқатдик, — дейди Ҳ. Азларов. — Ёрдамчи хўжаликдан кунига текинга сут бераяпмиз, ўтган саккиз ойда 4 тонна гўшт арзон нархда сотилди. Байрамларда, ҳам муҳтож бўлишган пайтларда жамоамиз аъзолариga қўлдан келганича ёрдам қилиб турибмиз.

Хусусан, мустақилликнинг икки йиллиги байрамида корхона беш миллион сўмлик совға-салом қилди ишчи-хизматчиларига. Жамоанинг ҳар бир аъзосига 25 минг сўмдан пул берилди, яна гуруч, ун тарқатилди. Корхонада узоқ вақт ишлаб, нафақага чиққанлар йўқланди. Баҳоли-қудрат совғалар қилди.

МАНФААТ КЕЛТИРГАН МАРТАБА

Жиззахдаги корхоналар ҳақида гап кетса, 7-ун тортиш комбинати ҳақида алоҳида таъкидлашади. Корхоналар ўзини-ўзи иқтисодий жиҳатдан таъминлашда қийналаётган бугунги кунда жамоа ўзининг эҳтиёжидан орттириб хайрия ишларига ҳам салмоқли ҳиссасини қўшиб келаяпти.

Хўжаликнинг ўтган саккиз ойда эришган натижалари ҳам қувонарли. Бош ҳисобчи Сайдали Файзуллаевнинг ҳисоб-китобларига кўра, тайёр маҳсулот сотиш режаси 100,3 фоизга уддаланди, яъни 386 миллион 912 минг сўмлик ўрнига 388 миллион 073 минг сўмлик тайёр маҳсулот сотилди. Бу ўтган йилгидан ўн бир баробар кўпдир. Шу каби товар маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ҳам 100,3 фоизга бажарилди. «Ўзбекистон» навли ун тайёрлаш режаси 10259 тонна ўрнига 10382 тонна қилиб, омухта ем тайёрлаш эса 5615 тонна ўрнига 5807 тонна қилиб бажарилди. Бу борада ўтган йилгига нисбатан 8 фоиз ўсиш бор.

— Энг аввало, ишимизда интизомга эътибор бераяпмиз. — Бош директорнинг фикри шундай. — Шунингдек, жамоа ишига астойдил ҳисса қўшганлар меҳнатларига яраша манфаат кўряптилар. Ишлаш учун шароит етарли. Албатта, комбинатимизнинг унумли фаолиятини таъминлашда юқори ташкилотларимиз, вазирлигимиз кўрсатаётган эътиборни алоҳида айтиб ўтишимиз керак. Тегирмонни яқиндагина тўла таъмирдан чиқардик. Энди айтмоқчи бўлганим мақтаниш бўлмасин-у, жамоамиз жуда иноқ. Сен директор, сен ишчи деган гап йўқ. Тўй-маъракаларда қўлдан келган ёрдамимизни аямаймиз, ўзимизники бўлиб кетган ҳаммаси.

Директорнинг айтганича бор. Бу ҳаётий ҳақиқат.

Президентимизнинг ёзувчилар билан бўлиб ўтган учрашувида кадрлар масаласида куйиниб гапирганлари кўпчиликни ўйга солгани сир эмас. Кимдир мансабни бойлик манбаи деса, кимдир мартаба ҳисоблайди. Яна бировда ўзга бир «ташвиш»... Аммо ҳар қандай инсонда ҳурмат ва иззат топишдан, меҳр кўргазма олишдан ҳам ортиқ мартаба бўладими?

Жиззахдаги 7-ун тортиш комбинатидан қайтар эканман, корхонанинг бош директори, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, камтарин ва танти инсон Ҳотам Азларов ҳақида, аҳил жамоа аъзолари, улар топган ўзига хос мартаба ҳақида ўйлаб кетдим. Улар учун халқнинг ризқи йўлидаги астойдил хизмат — манфаат, мартаба. Ана шундай мартабалилар кўпаяверсин...

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: ёрдамчи хўжалик фаолиятидан лавҳалар.





«ЗИНГЕР»

«АКАТЕКС» ТЕКСТИЛСАНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД ЎЗБЕК ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Сизнинг хизматингизга дунёга машҳур бўлган тикув ва тўқув машиналарини таклиф этади:

- **Тўқув машинаси Зингер КМ 610**
- **Тўқув машинаси Зингер КМ 624**
- **Тикув машинаси Зингер супер у окназ**
- **Тикув машинаси Зингер феличита**
- **Пресс дазмоли**
- **Оверлок 3 ва 5 ипли**

Сизда биз билан ҳеч қандай қийинчиликлар бўлмайди!

Ўзбек, турк, инглиз тиллари ва компьютерни билувчи КОТИБАни, камида беш йил иш стажли БОШ БУХГАЛТЕРни, тўқув ва тикув машиналари бўйича МУҲАНДИС-ТЕХНОЛОГни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бизнинг манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 68-84-80, 68-24-18.

Факс: (3712) 68-86-39.

ТАБИИЙ ГАЗ БОСИМИНИ ПАСАЙТИРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТдаги савдо-тижорат ишлаб чиқариш фирмаси — «ФЕНИКС» хизматидан фойдаланинг.

Фирма табиий газнинг юқори ва ўрта босимини пасайтирувчи «ГРПШ—400» мосламаларини сотади.

МУРОЖААТ УЧУН телефонлар: 90-52-77, 98-46-61.

ЖАРҚЎРҒОН ШАҲРИДА БИРИНЧИ МАРТА!

«ЖЎРА» ФИРМАСИ

ХАЙРИЯ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИ ЎТКАЗАДИ

Бор-йўғи 50 сўмга билет олиб:

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШИНГИЗ,

Автомашина, совутгич, телевизор, видео ва аудио аппаратура, гилам, палос соҳиби бўлишингиз, мумкин.

Шунингдек, 100 СЎМДАН 1000000 СЎМГАЧА пул ютуғи ютишингиз мумкин.

Имкониятингизни бой берманг! «ЖЎРА» лотереяси билетларини сотиб олинг.

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил 29 сентябрдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади.

1	Австралия доллари	778 сўм 25 тийин
1	Австрия шиллинги	104 сўм 85 тийин
1	Англия фунт стерлинги	1811 сўм 71 тийин
10	Бельгия франки	345 сўм 11 тийин
1	Немис маркаси	737 сўм 58 тийин
1	Голланд гульдени	657 сўм 18 тийин
1	Дания крони	182 сўм 21 тийин
100	Италия лираси	76 сўм 33 тийин
1	Канада доллари	905 сўм 87 тийин
1	Норвегия крони	168 сўм 93 тийин
1	АҚШ доллари	1201 сўм 00 тийин
1	Финляндия маркаси	207 сўм 83 тийин
1	Француз франки	212 сўм 10 тийин
1	Швед крони	150 сўм 10 тийин
1	Швейцария франки	845 сўм 66 тийин
10	Япония иени	113 сўм 78 тийин
1	ЭКЮ	1405 сўм 05 тийин
10	Испан песети	91 сўм 71 тийин
10	Греция драхми	51 сўм 36 тийин
1	Ирландия фунти	1721 сўм 51 тийин
1	Исландия крони	17 сўм 26 тийин
1	Қувайт динори	4020 сўм 22 тийин
10	Ливан фунти	6 сўм 97 тийин
10	Португалия эскудоси	71 сўм 96 тийин
1	Сингапур доллари	755 сўм 58 тийин
10	Туркия лираси	0 сўм 99 тийин
1	СДР	1697 сўм 31 тийин

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗАВТОСОЗЛАШ» КОНЦЕРНИГА ҚАРАШЛИ АСАКА ШАҲРИДАГИ 6-АВТОМОБИЛЛАР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

Қуйидаги ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари ва маҳсулотларини чекланмаган миқдорда

ХАРИДОРЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

«ГАЗ—24» автомобилини олди ва орқа қанотлари, эшик ва дераза ошиқ-мошиқлари, кичик ҳажмдаги нафис савдо дўконлари, ихчам диван-кроватлар, креслолар, гуллик матолардан тикилган кўрпа-чой-шабликлар.

Шунингдек, таъмирлаш корхонаси «ЗИЛ—130», «ММЗ—555» турдаги автомобилларни ва «ЗИЛ—130», «ЗИЛ—157», «ГАЗ—53» автомобиль двигателларини

ТАЪМИРЛАБ БЕРАДИ

«КАЗ—608» турдаги автомобилни «ЗИЛ—130» автомобилга қайта жиҳозлаб беради.

Корхонада ишлаб чиқарилган «ТМЗ—879» маркали пахта ташиш прицепи «2УПС—10», «ТАС—32» турдаги ағдарма прицепларни

СОТАДИ

Нархлар харидорга маъқул тушадиган ҳолда ўзаро келишувга қараб белгиланади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Фарғона кўчаси, 57.

Телефон: 2-26-46, 2-23-37. 6-автомобиллар таъмирлаш корхонаси.

Партия кенгаши ва қурилиш

Оҳангарон шаҳар марказига кириб боришингиз билан ободонлаштириш ишларига кўзингиз тушади. Майдоннинг қоқ ўртасида фавворалар растаси қурилиши ниҳоясига етай деб қолган. Сўнгги пардозлаш юмушлари олиб борилмоқда. Тўсиқ-деворларнинг чала қолган қисмига мармар тахталар ёпиштириляпти. Юк машиналари раста атрофидаги йўлакларга қизғиш-қўнғир тусдаги тупроқ тўкишаётир. Сал нарироқда болалар хиёбонига асос солиняпти. Уларнинг хумордан чиқиб ўйнашлари ва кўнгилдагидек дам олишлари учун энг зарур қулайликлар яратилмоқда.

«БЕМАСЛАҲАТ ТЎЙ БЎЛМАС»

Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Алижон Акбаровнинг ижоҳ беришича, бу хайрли юмушлар учун 50 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Бу маблағ шаҳар корхоналарининг ободонлаштириш мақсадларига баҳоли қудрат қўшган ҳиссалари маҳсулидир. Қурилиш бошдан-охиригача шаҳар ҳокимлиги ва партия кенгаши назоратида бўлди. Ахир, 29 та бошланғич ташкилотнинг бошини қовуштирган шаҳар партия кенгаши ҳазилакам куч эмас-да!

Кенгаш ташаббуси билан шаҳар кўркини очиб турган «Цементчи» стадиони қурилиб ишга туширилганидан ёшлар бениҳоя хурсанд. Бу ерда спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Эндиликда ихлосмандлар ишдан бўш пайтларини кўнгилли ўтказиш имконига эга бўлдилар.

Шаҳар партия кенгаши ҳокимликка яна бир таклиф билан кирди. Бунга шаҳарда бironта миллий замонавий чойхонанинг мавжуд эмаслиги сабаб бўлганди. Шаҳар ҳокимияти бу таклифга бажонидил рози бўлди. «Стройпластмас» комбинати қурилишга кетадиган барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олди. Айни пайтда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлган бино мажмуи, икки қаватли чойхона, ошхона, дам олиш хоналаридан иборат бўлади. Миллий нақш билан безакланган чойхона мажмуи фойдаланишга топширилгач, бу ерда бир йўла 200 нафар киши ҳордиқ чиқариши мумкин.

Яқинда кенгаш ташаббуси билан ногирон болаларни ҳимоя қилиш марафони ўтказилганидан шаҳар аҳолиси мамнун бўлди. Шу муносабат билан шаҳар марказий истироҳат боғига юзлаб кишилар тўпланди. Улар 60 нафар ногирон болаларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилдилар. Дошқозонда ош дамланди. Кўнгли ярим болаларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Улар учун омонат дафтарчалари очилиб ҳар бири ҳисобига 10 минг сўмдан пул ўтказилди. Бу хайрли ишдан партия ташкилотлари ҳам четда қолмадилар.

— Халқимизда агар бирор юртга борсанг аввал бозор айлан, кейин мозор, деган нақл бекорга айтилмаган,— дейди Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби А. Акбаров. — Бу нақлнинг маъноси шуки, бозор ва мозор айланган киши шу ерлик аҳолининг қанчалик маданиятлилиги ва меҳнаткашлигини билиб олади. Биз ҳам шу нақлга амал қилиб, оқсоқоллар билан қабристонларни айландик. Фикримиз бир жойдан чиқди: бир кунм ҳамма борадиган қабристон талабга жавоб бермайди. Уни шарқона дид билан таъмирлаш ва ободонлаштириш керак! Шундай таклиф билан тегишли ташкилотлар раҳбарларига мурожаат этдик. Улар бу таклифни қўллаб-қувватладилар. Ҳадемай, амалий ишлар ҳам бошлаб юборилади...

Шаҳар партия кенгаши Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан ҳам муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бошланғич ташкилотлар фаолиятларини ҳозирги энг долзарб муаммо ва вазифаларга буриб юборишга ҳаракат қилинаётир. Бу фикрни далиллаш учун биргина мисолни келтириш билан кифояланмоқчимиз.

Шаҳар партия ташкилотининг янги қурилишларга катта эътибор бераётгани бежиз эмас, албатта. Чунки фойдаланишга топширилган янги бино — бу юзлаб меҳнаткаш уй-жой ёки иш ўринлари билан, фарзандлари боғча ёки мактаб билан таъминланди, деган гапдир. Шу боис Оҳангарон қурилиш трестига қарашли 2-кўчма механизациялашган колонна жамоаси кенг жабҳада бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Тез-тез учраб турадиган муаммолар ўз ечимини топишида, қурувчилар жамоасини ижтимоий муҳофазалаш, уларга ишлаш ва яшашлари учун қулай шароитларни яратиб беришда, ишлаб чиқариш режа ва сифат кўрсаткичларини олдга силжишида бошланғич партия ташкилотининг муҳим ўрни бор. Айниқса, кўчма колонна бошлиғи, ЎзХДП аъзоси Фарруҳ Мирзаевнинг жамоага жонкуярлиги, ўз касбига муҳаббати, ишбилармонликдаги намунаси кўпчиликка ибрат бўлаётир. Гарчанд буюртмачиларнинг кўчма колоннадан 100 миллион сўмдан ортиқ қарзлари бўлса ҳам, лекин қурувчилар ойлик маошларини ўз вақтида олиб турибдилар. Ҳар бир бунёдкорга тарқатилаётган раҳбар ҳал қилувчи роль ўйнаши керак. Иқтисодиётимизнинг ярим йиллик якунларига доир республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда юртбошимиз бу ҳақда бекорга куюниб гапирмаган эди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, 2-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Фарруҳ Мирзаевнинг фаолиятини бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш ўринлидир. У Президентимизнинг шу тармоққа тегишли фармонларини тезроқ бажариш пайида бўлади. Елиб-югуриб, шу кунга хос муаммолар ечимини топишга интилади. Ўзаро келишувга биноан ёки мол айирбошлаш йўли билан колоннада танқис саналган қурилиш хом ашёси ёки материалларни ундириб келади. Жумладан, Пискент тумани маиший хизмат кўрсатиш комбинати колонна енгил машиналарини таъмирлашга ёрдамлашмоқда. Ёғоч-тахта, мих, эшик, ром ва бошқа материаллардан кўмаклашаяпти. Қарс икки қўлдан, деганларидек, бундай ёрдам Тошкент, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари корхоналаридан ҳам келиб турибди.

— Халқимизда бемаслаҳат тўй бўлмас, деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди кўчма колонна бошлиғи Фарруҳ Суробович. — Тугуни тез ечилиши лозим бўлган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал қилишга одатланганмиз. Қўшни шаҳар ва туманлардаги корхона, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама манфаатдорликка хизмат қилмоқда. Колоннамиз шаҳар жамоатчилиги ўртасида ўз мавқеи ва ҳурматга эгалиги шундан бўлса керак. Банкдаги ҳисобимизда айни пайтда 32 миллион сўм нақд пулимиз бор. Агар бунга корхона, ташкилотлар қарзлари қўшилса 150 миллион сўмга бориб қолади.

Қарздорларнинг ҳам ўзига хос баҳонаю сабаб кўрсатишлари бор. Масалан, колоннадан 72 миллион сўм қарзи бўлган «Тошвилоятйўловчитранс» концерни давлатдан қачон кредитга пул олса, шунда қарзидан узиларкан. Бундай корхоналар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин биз шундай мураккаб вазиятдан тадбиркорлик билан чиқиш йўлини қидираётган жамоа маъмурияти ҳақидаги ҳикоямизни мухтасар қилишдан олдин яна икки оғиз сўз айтмоқчимиз. Бу қурувчиларга ғамхўрлик ҳақида: — жамоа аъзолари меҳнат таътилига чиқаётганда бир ойлик маош миқдорида рағбатлантириш пули олишади. Вақтинча соғлиғини йўқотганларга ёрдам пули берилади. Уй қураётган ёки таъмирлаётган кишилар 50 фоиз арзон нархда қурилиш материаллари оладилар. Тўй ва бошқа маросимларда уларга талондаги озиқ-овқатлар давлат нархида улашилади ва ҳоказолар.

Хуллас, кўчма колоннадаги ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган барча ишлар бамаслаҳат, баҳамжиҳат ҳал қилинади. Бу ишларнинг бошида эса партия ташкилоти ва Халқ демократик партиясининг онгли аъзолари турганини ҳисобга олсак, эртанги кунга бўлган умид янада ошади.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ 1993

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ХАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРИФЛАРИ

1993 йил 20 сентябрдан электр энергиясига ҳақ тўлашнинг янги тарифлари кучга киритилди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан ташиб келтирилаётган ёнилғи нархларининг сезиларли даражада оширилганлиги билан боғлиқдир. Шунингдек, электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳам шундай йўл тутиляпти.

Эндиликда аҳоли электр энергиясининг бир киловатт-соати учун 4 сўмдан,

Ошхонасида электр плиталардан фойдаланувчилар эса 1 киловатт-соат учун 2 сўмдан ҳақ тўлайди.

Шу муносабат билан ҳозиргача фойдаланилган электр энергияси учун 10 октябрга қадар аввалги тариф бўйича, яъни 1 киловатт-соат учун 1 сўмдан ҳақ тўланиши зарур.

10 октябрдан сўнг электр энергиясига ҳақ олиш фақат янги тариф бўйича, яъни 1 киловатт-соат учун 4 сўмдан қабул қилинади.

Электр энергиясига ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланувчиларнинг барчасига шундай енгилликлар сақлаб қолинади.

«ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ».

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-57-19, 32-54-12.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 324, 330-хоналар.

Индекс: 75487.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 4. X

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Республика морфолог олимларининг I анжумани олдидан. Давра суҳбати.
18.40 «Мусиқа оҳанглари». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Рақслар жилоси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олима Ёқубова.
19.55 «Куз жилолари». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳуқуқий давлат сари».
«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида.
21.30 «Санъат дўстликка чорлайди». Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг Франция сафари ҳақида.
22.10 «Руҳ». Ҳужжатли фильм. Абдулла Қодирий хотирасига бағишланади.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қувноқ шаҳарча». Телефильм.
19.30 «Лаҳза». Хабарлар.
19.50 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.50 «Миришкорлар».
21.30 «Билиб қўйган яхши».
21.50 «Лаҳза». Хабарлар.
22.10 «Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинғланг, томоша қилинг...».
9.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 19-серия.
10.10 «Садовое кольцодаги саройида».
10.40 Мультфильм.
10.50 «Ку-ка-ре-ку». Северодвинскда ҳажвчилар танлови.
11.15 «Мавзу».
12.00 Янгиликлар.
12.25 «Гол».

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Мусиқий башорат».
16.40 «Время-4».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Телеёдномалар».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 «Гол».
19.25 «Ҳафтанинг акс-садоси».
19.50 «Театр майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 19-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».
22.10 «Янги студия» таништиради: «Матбуот-клуб». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 «Сиёсат майдонида».
10.25 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.
10.55 Хонаки экран. «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
13.30 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.50 Кундузги сеанс. «Қирол Дроздовик». Бадиий фильм.
15.05 «Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
15.35 «Қутқариш хизмати 911».
16.30 Янгиликлар.
16.45 «Бола тилидан».
17.15 «Трансросэфир».

*

18.00—19.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.35 Мульти-пульти.
19.45 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради». «Охирги мулозаматлар». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
20.40 Театр сафари. «Бу беқарор Дзекун...».
21.25 Катта жанжал. «Қора квадрат».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Ҳақиқат онлари».
23.25 Катталар учун мультфильм.
23.35 «Китоб оламидаги гаплар».
23.55 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
00.25 «Рек-тайм».

Сешанба, 5. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Лирик концерт.
7.50 «Жасур бўлиш осонми!». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Огинский полонези». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Республика тармоқлараро комплекслари.
11.00 «Фан ва деҳқончилик».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Туркистонда жадидлар ҳаракатининг вужудга келиши.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Ислоҳот одимлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.25 «Эл тинчлиги йўлида». Жиноят қидирув хизмати ташкил топганлигининг 75 йиллигига.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Меҳнат — ижтимоий муҳофаза мезони». Бевосита мулоқот.
21.50 «Театр ва томошабин». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрининг янги мавсумига бағишланади.
22.50 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 «Дам олиш соатларида».
20.30 «02» тўлқинида.
20.50 «Имконият».
«ОМАД» таништиради:
21.25 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Қувноқ нотачалар».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.35 «Инсон ва қонун».
11.05 «Стартинэйджер».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
13.35 «Хавфли бурилиш». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
14.45 К. Брюллов. «Помпейнинг сўнгги куни». Телефильм премьераси (Санкт-Петербург).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16,10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 Эстрада концерти.
17.05 «Стартинейджер».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «МДҲ—хусусийлаштириш муаммолари».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Аср сири».
22.05 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали режиссёр Клод Шабролнинг фильмлари ретроспективасини таништиради. «Доктор Пополь». Бадиий фильм премьераси (Франция).
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Рок-н-ролл ТВ».
01.25 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Ҳақиқат онлари».

* * *

12.00 Хонаки экран. «Кузги марафон». Бадиий фильм.
13.30 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.55 Киноқиссалар. «Валентина». Бадиий фильм.
15.30 Мульти-пульти.
15.55 «Уйинчоқлар-овунчоқлар».
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
17.10 «Санкт-Петербург балети».

*

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 227-серия.
20.40 «Жаноблар-ўртоқлар».
20.55 Ватаним менинг. «Бўйсунмас кулина».
21.45 «Мусиқий синов» таништиради...

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 Петербург ҳодисалари. «Идеалист аёл».
23.00 Михаил Гулько қўшиқлари.
23.30 «Трансросэфир».
00.15 «Евгений Мравинский хотирасига». Концерт.

Чоршанба, 6. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Кекса санъаткорлар».
7.50 «Кунлардан бир кун саҳрода». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Мария, Мирабелла Транзисторида». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Қаттиқ жисмлар ва суюқ кристалларнинг хоссалари.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 «Мусаввир Неъмат Қўзибоев». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Таркибида азот сақловчи бирикмалар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Болалар меҳмонхонаси». Пўлат Мўмин.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Иқтисод ва экология». Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланади.
19.50 Кичик концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 «Ҳилол» студияси намойиш этади. «Тилсим» программаси.
22.05 «Сўз сеҳридан яралган қадр». Ўткир Сиддиқов.
22.45 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фан ҳақида суҳбатлар».
19.55 «Спринт».
20.20 «Долзарб мавзу». Ижтимоий таъминот масалалари бўйича.
21.20 «Концерт залларида».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар учун кўрсатув.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Савдо кўприги».
11.00 «Кўчма театр».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия.
13.40 «Хавфли бурилиш». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.20 «Фавворалар пойтахти». Телефильм премьераси.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари. Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Музограф».
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.20 «Клуб 700».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Миниатюра».
20.00 «Кремль деворлари ортида». 1-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 Уайлдер. «Март маросими». Е. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Фестиваллар намойиши». Сан-Себастьяндаги кинофестиваль ҳақида.
01.25 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
01.40 «MTV».
02.40 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Рус ижозатномаси».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 Христианлар учун кўрсатув.
10.20 Ватаним менинг. «Бўйсунмас кулина».
11.10 Хонаки экран. «Кундузги сеансга иккита билет». Бадиий фильм.
12.45 «Санкт-Петербург балети».
13.30 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.55 «Трансросэфир».
14.40 «Кечки салон» саҳифаларида.
16.10 «Телегазета».
16.15 Янгиликлар.
16.30 «Рост» студияси. «Яшил мактаб».
17.00 «Уйинчоқлар-овунчоқлар».
17.30 «Сўнган юлдузми?».

*

18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 228-серия.
21.00 РТВнинг сара асарлари. «Рудольф Нуриев. Қандай бўлса шундайлигича». Ҳужжатли фильм.
21.45 «М-трест».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «√-клуб».
23.15 «Рус қўшиғи». Татьяна Петрова.
00.15 Криминал хабарлар экрани.
00.25 «Экзотика».

Пайшанба, 7. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ер ва диёр тароналари.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.20 «Чиябўрилар». Ҳужжатли фильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 «Уддабурон Берендеев». Бадиий фильм.
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. Дарвин таълимоти.
11.00 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ғалла — ризқ-рўзимиз».
18.35 «Шеърият дафтаридан». Ўроз Ҳайдаров, Ҳаким Абдулла.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Анъаналар этади давом...».
19.55 «Янгиланиш». Телевизион киножурнал премьераси.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 «Тўйга марҳабо!». «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг янги дастури. Халқлар дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.10 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар.
22.30 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
19.50 «Рябово». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «СВ-экспресс» намойиш этади.
21.25 «Пульс». Хабарлар.
«ОМАД» таништиради:
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильмлар.
9.45 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.35 «Джэм».
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ўн уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия.
13.40 «Хавфли бурилиш». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
14.50 Мультфильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм-премьераси.
16.40 «Беринг қадамжолари бўйлаб». Телефильм премьераси (Владивосток).
17.10 «Джэм».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.50 «Мулкдор алифбоси».
19.00 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.10 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
20.00 «Кремль деворлари ортида». 2-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.30 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Егор Буличев ва бошқалар». Бадиий фильм (1971 й.).
23.15 «Матбуот-экспресс».
23.25 «Бумеранг».
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Тонгги концерт.
9.15 «Қутқариш хизмати 911».
10.10 «К-2» таништиради: «Кинограф».
11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 227 ва 228-сериялар.
12.45 «Анапа-93».
13.20 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.40 «Дунё аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси (АҚШ).
14.05 «Экзотика».
15.10 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
15.55 Янгиликлар.
16.10 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
16.40 «Трансросэфир».
17.25 «Терминал».

*

18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 229-серия.
20.45 «Келинг, аниқлаб олайлик».
21.00 «Санкт-Петербург балети».
21.30 «Услуб».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Осойишта уй». 1-қисм.
23.25 «Китобларга оид гаплар».
23.40 Криминал хабарлар экрани.
23.50 «Осойишта уй». 2-қисм.

Жума, 8. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Созимда севги васфи».
7.50 «Нодон сичқон ҳақида эртак». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Ўлмас мерос». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Хатоларни тузатиш». Бадиий фильм.
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. Табиатни нима учун ўрганамиз!
11.00 «Муз устида томоша». Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
18.40 «Хирмонингизга барака!».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Расулов қўшиқлари.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар.
21.50 «Ҳур қиз». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Бал рақслари.
20.10 «Қайсар одам». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия — «Шикоятга ўрин йўқ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильмлар.
9.45 «Компас-эртак».
10.45 Рус қўшиқлари гулдастаси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
Театр шинавандалари, Сизлар учун!
12.20 М. Рощин. «Дуэлдан сўнг». Телевизион фильм-спектакль.
14.40 Мультфильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 В. Кикта. «Дил изҳори». Балет.
17.00 «Компас-эртак».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Мультфильм.
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Вагон-03».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.40 «Детективлар клуби»да. «Марлов — хусусий изқувар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
«ВИД» таништиради:
23.00 «Сиёсий бюро».
23.35 «Музобоз».
00.55 «Авто-шоу».
01.25 «Х» программаси.
01.50 «Хит-конвейер».
Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
02.55 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Параллеллар. «Юлдузлар билан бамаслаҳат».
9.20 «Осойишта уй».
10.15 «Агар сиз...».
10.45 «Сайёрадош қўшниларимиз».
11.15 Катта жанжал. «Қора квадрат».
11.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 229-серия.
12.35 «Уз манзили».
13.10 «Деҳқонларга таалуқли масала».
13.30 «Телегазета».
13.35 «Сенинг ҳам навбатинг келади». Ҳужжатли фильм.
14.35 «Ҳайвонот оламида».
15.35 Жума кунлари Дисней. «Зудлик билан болалар талаб қилинади». Бадиий фильм. 1-серия.
16.20 Мульти-пульти.
16.30 Янгиликлар.
16.45 «Трансросэфир».
17.15 Театр сафари. «Яна манифест чиқди».

*

18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Биз севган комедиялар. «Капуцинлар хиёбонидаги киши». Бадиий фильм.
21.45 Катталар учун мультфильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «К-2» таништиради: «Халқ франки».
23.25 «Ёздан хотира». Дам олиш мусиқий кўрсатуви.
00.30 Тунги сеанс. «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.

Шанба, 9. X

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...»
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Эстрада концерти.
7.50 «Фунтик ва мўйлабли кампир». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 Шифокор маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Хитой тили.
9.40 «Ёшлик» студияси. «Истеъдодларни излаймиз».
10.20 «Жамоат ташкилотларида».
11.50 Француз тили.
12.20 Болалар учун театр. Ғафур Ғулом. «Шум бола». Каттақўрғон шаҳар театрининг спектакли.
13.20 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
13.50 «Ёшлик» студияси. «Ойдин орзулар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Телефильм.
19.30 «Жиноят жазосиз қолмайди». Фарғона вилоятидан кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Катталар учун мультфильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Дам олиш концерти.
21.35 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. Ярим финал.
22.20 «Кулги шайдолари».
23.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови (29 сентябрь кунидан такрор.).
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 4-серия — «Сўнгги марра».

● «ОРБИТА IV»

6.45, 8.30, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки гимнастика.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.35 «Қимор».
9.05 «Марафон-15» таништиради.
9.35 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
11.00 «Тиббиёт ҳамма учун».
11.30 «Сергий бутхонаси». Уч серияли ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм («Видеофильм» корпорацияси).
12.25 «Мулкдор алифбоси».
12.35 «Ҳукумат кишилари».
12.50 «Детектив-ленд».
13.25 «Қадрдон тупроқ». Экологик кўрсатув.
13.55 Кикбоксинг. Осиё чемпионати.
15.00 Янгиликлар.
15.30 «Пеппи Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
16.00 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.
16.30 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. От спорти.
17.15 «Қизил квадрат».
17.55 «Ҳайвонот оламида».
18.40 «Оба-на». Шоу.
19.10 «Оҳ, гармон янграй бошлади».
19.40 М. Захаров. «Театр — менинг севгим».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Хитой синдроми». Бадиий фильм (АҚШ).
23.30 «Матбуот-экспресс».
23.40 «Резонанс» студияси таништиради.
24.00 Янгиликлар.
«Сно-видение» тунги канали
00.40 Шоу-бизнес янгиликлари.
01.05 Спорт.
01.15 Ойнинг энг яхши ўнта мусиқаси.
02.00 «Стоп-кадр».
02.30 «MTB» программаси.
03.00 «Автоэкспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Яхши хотиранинг баъзи бир сирлари». Ҳужжатли фильм.
8.55 «Формула-730».
9.25 «Сиз яратган боғ».
9.55 «Рост» студияси. «Биринчи тайм», «Бизнинг «Аралаш».
10.25 Видеошеърият. С. Таратута.
10.40 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.

*

11.25—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.00 «Чегарасиз футбол».
15.55 «Тилла шпора».
16.25 «Изабель». Дам олиш викторинаси.
17.10 «Уз ишининг усталари». «Байрамда туғилган». В. Розов.

18.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 «Маски-шоу».
20.10 «Уинстон Черчилль—чўққига йўл». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.10 «Фильмлар премьераси».
21.25 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Мутлақо махфий».
23.20 «Ксюша ҳузурида».
23.50 Тунги сеанс. «Малласоч малика». Бадиий фильм.

Якшанба, 10. X

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Телефильм.
8.50 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 35—36-сериялар.
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.00 «Санъатимиз фидойилари». Зокир Султонов.
11.30 «Нурга тўлсин хонадон».
12.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.45 Турк тили.
13.15 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Арқон». Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 «Ойнаи жаҳонда».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ёднома». Абдулла Қаҳҳор.
20.00 Дала меҳнаткашлари учун концерт.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 Бокс. Мустақиллик кубоги учун халқаро мусобақалар. Финал.
22.10 «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.00 «ОМАД» таништиради:
— Мультфейерверк.
— «Омад»-курьер.
— «Қалб садоси». Мусиқий кўрсатув.
— «Ҳар соҳадан бир шингил».
— Болалар учун. «Совға».
— «Юлдузлар жилоси».
— «Тилсим» программаси.
— «Даракчи».
— «Омад» видеорекламаси.
— «Елдек учган умр». Бадиий фильм. 1-серия.
— «Қалб садоси». Мусиқий кўрсатув.
— «Омад»-курьер.
— «Қалб садоси». Мусиқий кўрсатув.
— «Даракчи».
— «Омад» видеорекламаси.
— «Тунги жазирама». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 8.30, 19.00, 22.45, 00.15— Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Руҳни чиниқтириш».
7.55 Янгиликлар.
8.35 «Авто-шоу».
9.05 «Марказ».
9.35 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
10.05 «Ҳамма уйдалигида».
10.35 «Спортлото» тиражи.
10.50 «Тонг юлдузи».
11.40 «Полигон».
12.10 Киноҳақиқатми! «Эртага уруш бўлса-чи!». Бадиий фильм (1938 й.).
14.25 «Резонанс» студияси «Вилоятларда. Гоголь билан Россия бўйлаб» рукни премьерасини таништиради.
15.15 Янгиликлар.
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
15.30 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

16.30 «Саёҳатчилар клуби».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Ҳунарли хор бўлмайди».
18.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
20.00 Киношарҳ.
20.25 «Казимир». Бадиий фильм премьераси (Франция).
21.55 Эълонлар.
22.00 Янгиликлар.
22.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.
23.05 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Океан» (Находка). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.
00.20 А. Арбузов. «Эскирган комедия». В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

10.30—14.10
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.10 «Намуна нусхаси».
14.20 Кундузги сеанс. «Йигитлар!». Бадиий фильм.
15.55 «Лад»-галерея. В. Лубенко.
16.25 «Оқ қарға».
17.25 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.
17.50 Спорт кўрсатуви.

*

18.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».
20.20 Си-Би-Эс кинотеатри. «Биринчи иштиёқ». Бадиий фильм.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Владимир Познернинг Америкаси».
22.45 «Тикланиш».
23.00 «Тўлин ой».
00.05 «А» программаси.

• *Абдулла Қодирийни йўқлаб*

СЎНГГИ ВИДОЛАШУВ

1937 йил 31 декабрда тушликдан сўнг бошланган қор бир зумда ҳовли, йўлакларни кўмиб ташлади. Дадам билан мен ёққан қорларни пешма-пеш пастки ҳовлидан юқори ҳовлига ва ташқарига таший бошладик. У киши чарчадилар шекилли: «Масъуд, кучинг етганча кўча эшикка қадар йўлакдаги қорларни кураб чиққин», дедилар.

Ўша куни Адиба опам Назифа опамни кузатиб уйларига кетган эдилар. Ҳабибулла акам болохонада, икки ойдан бери сўрида қимирламай тахтакачда ётардилар. Ойим Аниса синглим билан ошхонада кечки овқатни тайёрлашаётганди.

Мен буюрилган юмушни ярим-ёрти бажариб, совуқ еб, дадамнинг хоналарига кириб, сандалга ўтирдим. Шу пайт ойим кириб:

— Овқат тайёр бўлди, сузиб келайми? — деб дадамдан сўрадилар.

Дадам: «Маъсудга ҳам шу ерга келтиргин» дедилар.

Шу куни дадамнинг яхши кўрган таомлари — қазилик шилпилдоқни биргалашиб едик. Ойим ва синглим акамнинг ёнларида овқатланишди. Таом маҳали мен дадамдан:

— Ада, нега биз ҳар доим кечки овқатни вақтли, кун ботмасдан ёруғда ейміз? — деб сўрадим.

Менга маъюс боқиб:

— Ҳар кимнинг ўрганишига боғлиқ. Кечки таом иложи бўлса кун ботишдан олдинроқ истеъмол қилинса, яхши ҳазм бўлади. Киши қийналмай енгил ухлайди. Тиббиёт илмининг бобокалони Ибн Синонинг уқтиришича, «Тушда кучли овқат истеъмол қилиб, ётишдан олдин енгил овқатланилса, инсон умри узаяр экан», — деб жавоб бердилар.

Овқатланиб бўлгач, мен яна қор курашга чиқдим. Қоронғу тушгач уйга кирсам, дадам керосинка самоварнинг ёруғида хаёл суриб ўтирибдилар. Самовар қайнаш олдидан ўзига хос майин товуш чиқарарди. Дадамнинг хаёллари ўша товушдами ёки бошқа ёқдами, билмадим? Мен ёнларига ўтиришим билан, хаёллари бўлинди.

— Қишки таътилга чиқдингми? — деб сўрадилар.

— Ҳа.

— Қандай китоблар ўқияпсан? Адабиётга қизиқасанми?

Мен ўша кезларда бешинчи синфда ўқирдим. Адабиёт дарсида ўтилган Пушкин, Лермонтов, Чехов номларини айтдим.

— Ўзбек ёзувчи, шоирларни ҳам ўқидингми?

— Садриддин Айний, Ҳамза, Ғайратий, сизни ҳам, — деб жавоб бердим.

— Ҳўш, уларнинг қандай асарлари бор экан? — дедилар қизиқиб.

Ҳамзанинг «Ҳой, ҳой отамиз, Тошни кесар болтамиз» сатрлари билан бошланадиган шеърини ва Ғайратийнинг «Тарвуз ема ёшсан, лақа шиқилдоқ...» деган шеърларини айтиб бердим. Дадам ҳузурланиб кулакула:

— Дуруст, яхши, менинг ёзганларимни ҳам ўқидингми? — дедилар.

Мен ўша кезларда тушуниб, тушунмай энди «Меҳробдан чаён»ни ўқий бошлаган эдим. Уялиб:

— Энди ўқий бошладим, — деб жавоб бердим.

— Тушуняпсанми?

...Дадам мени ўнғайсизлик ҳолатидан чиқариш мақсадида:

— Катта бўлсанг, ҳаммасини тушуниб оласан. Ёзганларим катта ёшдагиларга мўлжалланган. Кейинчалик ўқийдиган китобларингни, шошилмай қунт билан, маъносига тушуниб, ўқишга ҳаракат қилгин. Агар шошма-шошарлик билан ўқисанг, маъносига ақлинг етмай, тушунмаслигинг орқасида ўзингни китобдан бездирасан. Маъносига етиб ўқисанг, китоб сени ўзига эргаштиради, — дедилар.

Шу пайт чой дамладилар-да, дастурхонга нон, қанд-қурс, ҳўл мева, тўғралган қази қўйдилар. Чой ичиб бўлгач, ҳовлига чиқиб акамнинг олдиларига кириб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Сўнг молхонага ўтдилар. Кейин уйга кириб кетдилар.

Мен дадамнинг ортларида қолиб, шийпон томонга қарадим. Узоқдан қор ёғдусида кўзимга кимдир кўрингандек бўлди. Дадамнинг ёнларига чиқиб, кўрганларимни тушунтириб турсам, эшик очилди. Хонага уч киши кириб келди. Уларнинг бири менга таниш, маҳалла раиси Тошпўлат ака, қолгани чарм пальто кийган кишилар эди. Тошпўлат амаки дадамга ачинган ҳолда:

— Сизни истаб келишибди. Қамоққа олиш ҳақидаги ҳужжатларини кўрсатишди, — деди.

Келганлардан бири дадамга қўлидаги қоғозни кўрсатди. У киши ҳатто қоғозни қўлларига олмадилар ҳам.

— Тушунмовчилик, ғаразтўхмат орқасида уюштирилган иш. Мен барибир айбсизман, — дедилар бепарвогина.

Келганларнинг бири сандал чеккасига ўтириб дадамдан бошлаб, бизларни ҳам исм-фамилиямизни ёза бошлади. Иккинчиси эса тинтув қилишга киришди. Тинтув бир-икки соат давом этди. Дадамнинг асосий керакли қўлёзмалари катта жомадонда бўлгувчи эди. Лекин у хонада йўқ. Борларини титкилаб тинтувни туғатгач, ён хоналарни, болохонани кузатиб чиқишди. Улар хонадалигида мен Қудратилла амакимни чақириб чиққан эдим. Бизлар кўз ёш билан дадамизга боқамиз. Улар бўлсалар ўзларини дадил тутиб: «Кўз ёш тўкманглар. Менда айб йўқ. Бу тушунмовчилик орқасида бўлган иш. Тўрт-беш кунда қайтиб келаман» деб бизга тасалли берардилар.

Келганлардан бири учтўрт кунга етарли емак, кийим-бош олишни буюрди. Ойим бечора кўз ёшлари билан дадамнинг кетишларига тайёргарлик кўрардилар. Дадам ойим тайёрлаган пальтоларини олмай, уйда кийиб юрадиган оч қизғиш пахталик чопонларини, қалпоқларини кийиб ҳовлига чиқдилар. Келганлар секингина овоз чиқармай, кўчага чиқмасдан ҳовлининг ўзида хайрлашишни буюришди. Биз шийпон олдигача йиғлаб чиқдик.

Отам амаким билан хайрлашиш чоғида қучоқлашиб:

— Қудрат! Болаларга бошқош бўлгин. Менда айб йўқ. Тезда дийдор кўришиш насиб этсин. Болаларни сенга, сени Оллоҳга топширдим. Акам билан хайрлашиш насиб этмади, — дедилар-да, кўчада кутиб турган қора машинага ўтирдилар. Машина қўзғалди...

Болохонада хасталаниб ётган Ҳабибулла акам дадам билан хайрлаша олмай унсиз кўз ёшларини тўкиб қолдилар.

Ҳақиқат эгилса ҳам синмас экан. Афсус, дадамиз 1937 йилдан бери оиламизда йўқ. Орадан ўн тўққиз йил ўтгач оқланиб, биз «халқ душмани»нинг боласи деган қора тамғадан қутилдик. Лекин шу вақтгача дадамнинг номларини баралла гапириш имкониятига эга эмас эдик. Сабаби, отамни отиб ўлдиртирганларнинг айримлари ҳаёт эди. 1988 йил акам дадамнинг сўроқ-жавоб ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун Ўзбекистон Давлат хавфсизлик қўмитасига мурожаат этдилар. Лекин ДҲҚ 1937 йилдан бери «музлагани» учун эшик очилмай рад жавобини беришди. 1990 йили мен яна ДҲҚга мурожаат этдим. Ошкораликнинг илиқ шабадалари музлаган эшикни эритиб юборди. Дадамнинг ҳужжатларини бирор соат кўз ёшларим билан варақлаб танишишга муваффақ бўлдим. Ҳужжатларда дадамнинг 1938 йилдаги юракни тилка-пора этувчи ноналарини ҳис этгандек бўлдим. У ерга иккинчи маротаба боришга асабим дош беролмаслигига кўзим етиб қайтиб чиқдим...

Масъуд АБДУЛЛАЕВ.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ



Қаламкаш дўстимиз, ажойиб инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Тўхтасинов 72 ёшида орамиздан кетди. У табиатан покиза ниятли, ҳамиятли инсон эди. Ҳамкасблари даврасида қувнаб-яйрашни, элнинг тўй-ҳашамида бақамти, камарбаста бўлишни жуда хуш кўрарди. Ҳамиша ўзи билган, ҳаттоки бир-икки дийдор асносида дўст тутиниб кетганларга ҳам қалб саховатини очиб, қўлидан келгунича кўмак бергиси келар ва эзгу мақсадга эришмагунича тиниб-тинчимас эди. Бундай яхшилик, меҳр-оқибатни кўрган ва билганлар ҳамиша дуога қўл очиб, умрингдан барака топ, дейишарди.

У умрининг охиригача касбига ихлос ва садоқат билан самарали меҳнат қилиб келди. Ҳаётга теран қарайдиган, изланувчан, зукко қаламкаш сифатида эл ҳурматини, меҳрини қозонди.

Исмоил Тўхтасиновнинг меҳнат фаолияти туғилиб ўсган шаҳрида чиқадиган «Марғилон ҳақиқати» газетасида 1939 йилдан бошланди. У ўшанда 18 яшар ўспирин эди. Мусаҳҳиҳлик вазифасини бажарса ҳам, хат-хабарлар, мақолалар ёзиб, устозларининг назарига тушди. Кейинчалик унинг турли мавзулардаги мақолалари Фарғона вилоятининг «Коммуна», «Қизил Ўзбекистон» газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида чоп этилди. 1941 йилнинг декабрида И. Тўхтасинов қаламини қуролга алмаштирди. У 94-алоҳида ўзбек ўқчи бригадасида хизмат қилди. Қуролдош дўстлари қаторида Руминия, Венгрия мамлакатларидаги жангларда қатнашди. Қадрдон шаҳрига эсон-омон қайтган шижоатли Исмоил район газетасида, комсомол ташкилотларида ишлади. Тошкент олий фирқа мактабида ўқиди.

Исмоил Тўхтасинов ижоди барқ урган кезларини қутлуғ даргоҳ — «Қизил Ўзбекистон» газетасида ўтказганлиги билан ҳамиша фахрланарди. У ўн йилдан зиёд вақт мобайнида газетанинг Фарғона области бўйича ўз мухбири бўлиб ишлади. Унинг ҳар бир чиқиши отахон газета ҳаётида унутилмас воқеа сифатида муҳрланиб қолди. Қаламкашнинг мухбирлик фаолияти давомида Фарғонада у бормаган қишлоқ, бирор мақола тайёрламаган меҳнат жамоаси қолмади, ҳисоб. У қадрдон газетасига тўлқинланиб, эврилиб, чин дилдан ёзарди.

Истеъдодли журналист 20 йилдан ортиқ Фарғона вилоят матбуот бошқармасининг бошлиғи бўлди, нашриёт-матбаачилик ишининг ривожига катта ҳисса қўшди. У қатор китоблар муаллифи эди. «Кўнгиллилар», «Ватан ўғлонлари», «Ўзбек ўқчилари», «Ватанни деб», «Бунёдкорлар» сингари китоблар, қатор очерк ва ҳикоялар унинг қаламига мансубдир.

Исмоил Тўхтасинов нафақага чиққач ҳам қаламини қўлдан қўймади. Республика ва вилоят газета-журналларига бот-бот сермазмун мақолалар ёзди. Халқ табобатига оид маслаҳатларни тўплаб, китоб ҳолида нашр эттирди.

Эндиликда Исмоил Тўхтасиновнинг юракка чўғ ташлайдиган қалб сатрларини газета саҳифаларида ўқимасакда, беғубор сўзларини тингламасакда, ундан яхши ном, хотира қолганлигини тилга оламиз. Илоё дўстимизнинг охиратлари обод, жойи жаннатда бўлсин.

Бир гуруҳ дўстлари.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ФАҚАТ ЧАЙНАШГА ЭМАС, СЎЗЛАШГА ҲАМ ТИШ КЕРАК

Тиш оғриғини бошидан кечирмаган ким бор! Унинг оғриғи одамга қандай азоб беришини фақат бошдан кечиргандар билади. Инсониятни бу киши билмас дарддан фориғ қилиш тўғрисида шифокору табиблар кўп йиллардан буён бош қотиришади. Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳи профессори Миржамол МИРЁҚУБОВ ҳам бу соҳада ижодий изланиб «Тишинг соғ — вақтинг чоғ» номли китоб чиқарди. Шифокор-шоир тишни соғлом сақлаш йўлларини шеърий мисраларда ифодалаган.

Китоб «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп этилди. Қизиқарлиси шундаки, китоб чиройли безаклар билан чиқарилган. Рассом Абдубоқи Ғуломов тўртликларга мос суратлар чизган.

Китоб бирваракайига тўққиз — ўзбек, тожик, рус, инглиз, форс, ҳинди, турк, араб тилларида ўқилади. Ушбу китобни мириқиб ўқиб, тишни қандай соғлом сақлаш йўлларини билиб олиш билан бирга эстетик завқ ҳам оласиз.

Энди муаллиф ҳақида икки оғиз сўз. Миржамол Мирёқубов 1929 йилда Тошкентда зиёли оиласида туғилган. Мирёқуб ака адабиёт ва санъатга ихлосманд эдилар. Фарзандлари Миржамол ҳам ота изидан борди.

Тошкент давлат медицина институтининг стоматология факультетини ташкил қилишда ҳам Миржамол Мирёқубовнинг хизматлари беқиёс. У бу ерда ассистентликдан профессорликкача бўлган йўлларни босиб ўтди. Унинг асарларини фақат биздагина эмас, бошқа шаҳар олий билимгоҳларида ҳам қўлланма сифатида фойдаланилади.



Нурли-нурли ўйга чўмган бир хаёл бўл,
Ўз ёрига садоқатли бир аёл бўл...

Ш. ОЛИМОВ сурат-лавҳаси.

• *Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

УЧ ОҒАЙНИ УЧАРЛАР.

Улар Бухоро тайёрагоҳи орқали 35 миллион сўмдан зиёд пулни пинхона ўтказишга уринишди

Давлат божхона қўмитаси вилоят бошқармаси тайёрагоҳдаги пастга беҳудага биринчи рақам қўймаган. Озгина бепарволик кўрсатилса, четдан келаётган учарлар Ўзбекистон мулкини кўкка совуришлари ҳеч гап эмас эди.

Бу сафар ҳам Москва—Бухоро самолётидан тушган уч учар божхона ходимларини чув туширишмоқчи бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ички кийим остидан боғланган белбоққа 10 минг ва 5 минг сўмлик банкнотлардан иборат ўн миллион сўмдан кўп пулни жойлаштирган эдилар. Бироқ, москвалик йўловчиларнинг найранги миллий хавфсизлик ва божхона ходимлари назаридан четда қолмади. Москвадаги «Геоссофет» қўшма, «Эл-дорадо» кичик корхоналари тадбиркорлари И. Кисилев, Д. Галовик, геология қидирув институти талабаси П. Блохин пинхона ўтказишга ҳаракат қилган 35 миллион 713 минг 375 сўмлик 1961—1992 йил нусхасидаги пуллар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Уч оғайни учарлар гўёки шахсий машиналарини Россиянинг эски пулларига сотиб, Бухородан янги машина олиш ниятида бундай ишга қўл урган эмишлар. Улар тўқиб чиқарган бу афсона қанчалик ҳақиқатга мос келиши тергов давомида аниқланади.

Кейинги пайтда хорижлик бундай учарлар мамлакатимизга тобора кўпроқ ташриф буюришни одат қилишди, — деди биз билан суҳбатда Давлат божхона қўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Камолов, — Шу йил сентябрь ойининг йигирма кунида қонунга хилоф равишда мамлакатга киритилган деярли 40 миллион сўм пул давлат фойдасига мусодара этилди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОРА ДОРИНИНГ ҚОРА ИШЛАРИ

Гиёҳвандлик — умр эгови. Буни жаҳон миқёсида тан олишади. Лекин айнан шундай бир пайтда бу зарарли ўсимликни ўстиришга киришиб, сўнг пушаймон бўлаётганлар ҳамон учраб турибди.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган «Қора дори» тадбири ҳам буни яққол кўрсатди. Ҳатто баъзи шахслар гиёҳванд ўсимликлар ўстириш билан мунтазам шуғулланиб келаётганлари маълум бўлди. Қарши туманининг Пахтазор қишлоғида яшовчи Ҳ. Ҳамидова ҳам аноийлардан эмас экан. У 300 туп кўкнорини гул ўстираётгандек авайлаб парваришлаётганди. Мақсади одамларни заҳарлаб пул топиш эканми, билмадик. Начора, унинг орзуси ушалмади. Айни гуллаб, шира боғлаган кўкнори йўқ қилинди. Қарши туманидаги Ю. Хушвақтов номли жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи Қўзи Қаюмовни инсофга чақириш қийин бўлди. У ўз томорқасида 206 туп кўкнори, 25 туп ҳинд нашасини ўстираётган экан. Энди отахон мулзам. Чўли ота жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи Д. Худойқуловнинг ҳовлисидан ҳам 12 минг 500 туп кўкнори ўсимлиги чиқди. Қамаши шаҳар, Самарқанд кўчасида яшовчи Ф. Усмоновнинг ҳовлисида 500 туп, Шаҳрисабз туманининг Сайли қишлоғида яшовчи У. Акромовнинг ҳовлисида 800 туп, Чироқчи туманининг «Меҳнатобод» давлат хўжалигида яшовчи Д. Тўқсоновнинг ҳовлисида 320 туп, Косон туманининг «Гувалак» жамоа хўжалигида яшовчи Г. Аллаёровнинг ҳовлисида катта миқдорда, яъни 21830 туп кўкнори ўстирилаётганлигини аниқланди ва йўқ қилинди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо ким иқтисодий қийинчиликларни пеш қилиб, қонунда таъқиқланган ишлар билан шуғулланаман деб ўйласа, катта хато қилади.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозири.
М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНАСИНИНГ ҚОТИЛИ

Во ажаб, бу не кўргуликки фарзанд ўз онасини ўлдирса... Бир парча этлигидан, тунларни тонгларга улаб катта қилган онаизорини болта билан чавақлаб ташласа... Нақадар даҳшат!

Ахир, йиртқич ҳайвон боласи ҳам онасига ҳамла қилмайдику...

Минг афсуски, Ички ишлар вазирлиги Матбуот марказига келаётган хабарлар орасида айнан шундай жиноятни содир этганлар ҳақида ҳам маълумотлар келиб турибди.

Ички ишлар ходимларининг аниқлашича, Сирдарё шаҳрида яшовчи Г. Жумаеванинг бошига болта билан уриб жароҳат етказилган жасади ўз уйидан топилади. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида қотил унинг ўз қизи Г. Абдувалиева бўлиб чиқди.

Эндигина 18 баҳорни қаршилаган бу қизнинг ўз онаизорига не боисдан бу қадар жабр етказганини прокуратура ходимлари аниқлашмоқда.

«ДЎКАЙ» ХАРИДОР

Навоий вилояти Қизилтепа шаҳар 10-ишчилар таъминоти омбор мудири Туроб Исматов билан экспедитор Қаландар Улуғов сафарга бирга отланишди. Бухоро шариф қайдасан, дея, йўлга отланар экан, Бухоро ёғ комбинатидан 4350 кило ёғни олиб кетишни ният қилишганди.

«Биримиз омбор мудири бўлсак, иккинчимиз экспедитормиз. Ёдан атиги тўртдан бир қисми — 1 тонна-ю юз килосини тинчитиб юборсак, «бир балолик» бўлиб қолардик». — дейишди бир-бирига. «Фақат майдаламасдан шартта оладиган «дўкай» харидор топсак бас»...

Уларнинг бу режаси дарров амалга ошиб қолди. Фахриддин Парпиев ана шундай харидорлардан бўлиб чиқди. Бироқ омбор мудири ва экспедиторнинг 330 минг сўмлик фойда кўриш режаси барбод бўлди.

Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази нозири.

СПОРТ

ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ТОШКЕНТДА

Келажаги буюк, ҳуқуқий давлатимизни барпо этиш йўлида қилинаётган эзгу ишларда жисмоний тарбия ва спортнинг ҳам муҳим ўрни бор. Боиси, Ватанимизни жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилишида, нуфузининг ортиб боришида моҳир спортчиларнинг хизмати беқиёсдир. Мамлакатимизда спортнинг бир қанча турлари бўйича халқаро мусобақаларнинг ташкил этилаётгани, етакчи спортчиларимизни хорижий мамлакатларда беллашиб, ўз юртлари шарафи учун астойдил курашаётганликлари ҳам шундан. Муҳлислар эса шу кунларда Тошкентда бошланадиган йирик халқаро мусобақани орзиқиб кутмоқдалар.



Боксчилар халқаро мусобақасини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар йил бошидаёқ бошланган эди. Ўшанда таниқли чарм қўлқоп усталари, тренерлар, мутасадди-мутахассислар ва бокс фахрийлари Президентимиз Ислом Каримов номига мурожаатнома қабул қилишган эди. Бу мактубда хусусан шундай сатрлар ёзилган: «Иярик мусобақани ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро спорт алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, хорижий спортчилар билан яқиндан танишиш, халқимиз қадимий анъаналарини рўёбга чиқариш, республикада бокснинг янада ривожлантиришга имкон беради. Эзгулик йўлидаги уринишларимизнинг боиси шундаки, биз яқин келажакда жаҳон аҳлининг бокс деганда — Ўзбекистонни эслаб, Ўзбекистон деганда — боксчиларимизни эътироф этилишини истаймиз».

Юртбошимизга ёзилган бу мурожаатномадан кейинги ўтган қисқа даврда мамлакатимизда боксни ривожлантириш йўлида муҳим ишлар қилинди. Спортчиларимиз юртимизда ва хорижий элларда ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шон-шавкатини шарафладилар. Жумладан, Финляндиянинг Тампер шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчиларимизни илк марта давлатимиз байроғи остида иштирок этишлари ўзига хос воқеага айланди. Терма жамоамиз баҳсларда маҳорат кўрсатиб Россия, Олмония, Франция каби мамлакатлардан илдамлашга эришди. Тошкентлик Ҳикматилла Аҳмедовнинг сафардан кумуш медал билан қайтиши ишқибозларни беҳад қувонтирди. Боксчиларимиз етук мутахассислар эътиборига тушиб, Ўзбекистон нуфузини оширишга ҳисса қўшдилар.

— Гапни сирасини айтганда, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича бош мутахассиси Мирсолиҳ Соғатов, — Бутунжаҳон ҳаваскор боксчилар уюшмаси президенти А. Чаудри (Покистон), унинг ўринбосарлари К. Вер (Олмония) билан Э. Жечев (Болгария)лар Ўзбекистон пойтахтида «Мустақиллик кубоги» учун ўтказиладиган халқаро мусобақани ташкил этилишидан манфаатдор эканликларини эътироф этдилар. Халқаро мусобақалар рўйхатидан муҳим ўрин олган бу мусобақани анъанавий бўлиб қолиши кутилмоқда. Тошкентга эса Эрон, Корея Халқ Демократик Республикаси, Болгария, Афғонистон, Туркия, Руминия ҳамда Қозоғистон, Тожикистон, Россия, Бошқирдистон, Туркманистон, Қирғизистон боксчиларининг келиши кутиляпти.

— Ватанимиз чарм қўлқоп усталари мезбон сифатида бу мусобақага алоҳида тайёргарлик кўришмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоасининг устози, хизмат кўрсатган спорт устаси Владимир Шин. — Биз халқаро мусобақадан ўзига хос синов тариқасида фойдаланишни, айни пайтда ғолиблик супасини кўзлаб мухлисларни қувонтиришни мўлжаллаяпмиз. Чунончи республикамизда кўзга ташланиб қолган, катта-кичик мусобақаларда қатнашиб, олқишлар олган боксчиларнинг барини йиғиб рингга чиқарамиз. Хусусан 60 нафар боксчидан учта жамоа тузиб, ўйинга киритамиз. Уларнинг ҳар бири мусобақа мобайнида хорижлик тажрибали боксчига рўбарў бўлади. Бунда эса йигитларимиз ўз имкониятларини тўлиқ намойиш этишга интилишлари, маҳорат кўрсатиб ишончли оқлашга уринишлари табиий. Кези келганда шуни айтиш керакки, Тошкент халқаро мусобақасида совринли ўринларга талабгор спортчиларимизга алоҳида эътибор қилинади. Ўйлаймизки, боксчиларимиздан Ҳикматилла Аҳмедов, Уйғун Сидиқов, Маҳамад Абдуллаев, Норқул Султонов, Артур Григорян, Наримон Отаев, Игорь Бунин, Олег Маскаевлар умидимизни оқлайдилар.

«Мустақиллик кубоги» учун ўтказилаётган кураш йирик спорт иншоотларидан бири — «Алпомиш» саройида давом этади. Спорт саройи қайта таъмирланиб, байрамона манзара касб этган. Саройнинг улкан зали ўртасига халқаро талабларга жавоб берадиган ринг ўрнатилган. Яхши ёритилган бу кураш майдони кўпчиликка маъқул келмоқда. Журналистлар учун алоҳида жой ажратилган.

Душанба кунидан бошлаб халқаро мусобақа иштирокчилари Тошкентга ташриф буюрадилар. Хорижлик боксчилар «Ўзбекистон» меҳмонхонасидан жой олсалар, МДҲ давлатларининг спортчилари ва мутахассислари эса «Тошкент» меҳмонхонасига таклиф қилинади.

«Мустақиллик кубоги» учун кураш қизғин баҳсга айланиши табиий. Бу совринни «Миконд» заводи мутахассислари биллурдан тайёрлашди, Тошкент самолётсозлари эса унга бежирим дастак яратишди. Мустақил Ўзбекистоннинг тимсоли ва боксниг рамзи ўз ифодасини топган бош совриннинг кимга насиб этиши 10 октябрда маълум бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси бирлашма бош директори ўринбосари Ю. Ҳ. Аҳмедовга акаси

Ҳабиб АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси журналистика фахрийси

Исмоил ТЎХТАСИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2 Тошкент Давлат тиббиёт институти раҳбарияти, касаба уюшмаси, биоорганик ва биологик кимё кафедраси ходимлари кафедра мудири, профессор А. А. Аброровга отаси

Аброр Содиқович СОДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—583. № 179. топширилди — 21.00.
Навбатчилар: И. СУЛАЙМОНОВ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.